БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 188 (17.172). • 17 август 1978 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗЛАРИ, СОВХОЗЛАРИ, ПАХТА ЗАВОДЛАРИ ВА ТАЙЁРЛАШ ПУНКТЛАРИНИ 1978 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШГА ҲОЗИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қайд этадиларки, республика партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органлари, колхозлари, совхозлари ва корхоналари беш йилликнинг учинчи йилида 5 миллион 700 минг тонна пахта етиштириб, давлатга сотиш ҳамда ҳосилнинг 70 процентини машинада теришни таъминлаш юзасидан катта ташкилотчилик ишларини ўтказмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг жуда катта ёрдами ва кундалик диққат-эътибори, республика партия ташкилотининг катта ташкилотчилик ва снёсий ишлари туфайли ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг X пленуми тарихий қарорларидан руҳланган қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари шу йил пахтачиликда вужудга келган қийинчиликларни бартараф этиш борасида астойдил иш олиб бормоқдалар.

Ғўза парвариши, мўл ҳосил тўплашнинг ҳар бир бригада, колхоз ва совхоз зиммасидаги социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажаришини таъминловчи агротехника тадбирлари комплекси бултургидан илдамроқ, юқори сифатли олиб борилмоқда.

Ҳамма жойда терим техникаси, транспорт воситалари, пахта заводлари ва тайёрлаш пунктлари, йўллар ва тош-тарози тахт қилиб қўйилмоқда, механизатор кадрлар тайёрланмоқда.

Шу билан бирга мусобақадош областлар ўртасидаги ўзаро текшириш якунларининг кўрсатишича, ғўза парвариши ҳамда янги ҳосилни териш ва тайёрлашга хозирлик кўриш ишларини ташкил қилиш ва ўтказишда камчиликларга йўл қўяётган район ва хўжаликлар ҳали ҳам бор.

Қашқадарё, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё областларидаги, республиканинг бошқа баъзи областларидаги бир қанча хўжаликларда ғўзани суғориш кечикиб, сифатсиз олиб борилмоқда, группа бўлиб суғориш ва тунда суғориш ташкил қилинмаган, сувчилар етарли эмас. Культивация, ғўза чопғи тўла иш қуроллари билан ўз вақтида ўтказилмаётир ва сифати ҳам паст, натижада бегона ўт босиб кетган майдонлар ҳам бор. Органик ўғит ғўзанинг қандай ҳолда эканлигини назарда тутмай солинмоқда, уни нотўғри тақсимлашга йўл қўйилмоқда.

Текшириш ишлари яхши ташкил қилинмаган, ғўза зараркунандалари тарқалган жойлар ўз вақтида аниқланиб, дориланмаяпти, зараркунандаларнинг тарқалиб кетишига йўл қўйиляпти. Ердан туриб ишлатиладиган аппаратлар, заҳарли химикатлар, пестицидлардан ҳамда зараркунандалар ва касалликларга қарши биологик кураш методларидан самарасиз фойдаланиляпти.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетининг корхоналари пахта терим техникасини ремонт қилиш ва тайёрлашни паст суръатлар билан олиб бормоқдалар. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Қашқадарё ва Жиззах областларининг бир қанча хўжаликларида 1978 йилнинг 1 августигача техникани тайёрлаш атиги 46-63 процентга етказилган. Техника ремонтининг паст сифатли бўлишига йўл қўйилмоқда. Колхоз ва совхозлар зарур запас қисмлар ва ремонт материаллари билан тўла йўсинда таъминланмаяпти.

Бир қанча областлар ва районларда кўрак теришмашиналари, кўсак чувиш машиналари ва пахта подборшчикларини ўз вақтида тахт қилиб қўйишга ва хўжаликларни улар билан таъминлашга етарли эътибор берилмаяпти. Жамики ремонтталаб ўрим-йиғим техникаси ва транспорт воситалари ремонтга қўйилмаган. Механизатор кадрлар ремонтга етарлича жалб қилинмаган, уларга тегишли маданий-маиший шароитлар яратиб берилмаган.

Механизатор кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишлари тамомланган эмас.

Аэродромлар тайёрлаш, дефолиант моддалар келтириш, йўллар, кўприклар, хирмонлар, майдончалар, юк ортиш-тушириш механизмлари ва тош-тарозини ремонт қилиш чўзиб юборилмоқда.

Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси айрим ҳолларда самолёт ва вертолётлари вақтида юбормаяпти, хўжаликлар эса улардан самарасиз фойдаланишга йўл қўяяптилар.

Жиззах, Бухоро ва Сирдарё областларида тайёрлаш пунктларини пахта қабул қилиб олишга ҳозирлаш суст бормоқда. Қорақалпоғистон АССР, Сирдарё ва Хоразм областлари қуритиш-тозалаш цехлари ва пахта заводларини ремонт қилишда орқада қолмоқда.

«Ўзбекхлопкомаш» бирлашмаси республика пахта заводларига запас қисмлар, технологик машина-ускуналар, лаборатория ускуналари, қуритиш-тозалаш цехларининг машина-ускуналарини ремонт қилиш учун асосий номенклатура бўйича запас қисмлар етказиб беришда қолоқликка йўл қўймоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети колхозлар, совхозлар, тайёрлаш пунктлари ва пахта заводларини 1978 йилги пахта ҳосилини териш ва қабул қилишга ўз вақтида тайёрлаш мақсадида ҳамда КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда қилган докладида баён қилинган қондалар ва хулосаларга амал қилиб, қарор қиладилар.

Меҳнат коллективларининг активлигини ошириш ва уларнинг куч-ғайратларини мўл ҳосил тўплашни таъминлашга, ғўза парваришини суръатларини ошириш зарурлигига, суғориш, культивацияни ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказишга, бегона ўтларга ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашни ташкил этишга қаратиб, шу тариқа беш йилликнинг учинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг ҳар бир колхоз ва совхоз, бўлим ва бригада томонидан бажарилишига, шунингдек пахта терими ва уни давлатга топширишга барча тайёргарлик ишларини ўз вақтида тугаллашга эришиш — область ва район партия комитетларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, область ва район партия комитетларининг, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик, Мелиорация ва сув хўжалиги, Тайёрлаш, Пахта тозалаш саноати министрликларининг, «Главсредазирсовхозстрой»нинг, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети ва уларнинг жойлардаги органларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

Шу ишларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида:

Ҳар бир бригада, колхоз ва совхозда ғўза ривожининг ҳолати яна бир карра синчиклаб ўрганилсин, мавжуд камчиликларни тугатиш ва ғўза парваришини кучайтиришга доир агротехника тадбирлари комплекси белгиланиб, амалга оширилсин. Шу тариқа икки марта, орқада қолган участкаларда уч марта комплекс ишлов бериш таъминлансин;

терим техникаси, транспорт воситалари, юклаш — тушириш механизмлари ҳамда бошқа машиналарни ремонт қилиш ва тайёрлаш суръатлари кучайтирилсин. 20 августга қадар шу машина-механизмлар тўла-тўкис ва юқори сифатли тайёрлаб қўйилсин, икки сменада ишлаш учун етарли механик-ҳайдовчилар шай бўлиб турсинлар, 30 августга қадар эса кўсак узиш, кўсак чувиш, тўкилган пахтани териб олиш машиналари бекамчи-кўст тайёрлаб қўйилсин, бу механизмларнинг, шунингдек техникавий хизмат воситалари ҳамда ёнилғи қуйиш механизмлари асоссиз равишда ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмасин, ремонт ишларининг икки сменада олиб борилишини ташкил этишни мўлжаллаб, механизаторлар ремонтга жалб этилсин;

барча хўжаликларда ипатоволиклар методи асосида терим-транспорт отрядлари ташкил этилсин, узел ва агрегатларнинг айирбошлаш фонди вужудга келтирилсин, колхоз ва совхозлар зарур запас қисмлар, ремонт материаллари, нефть маҳсулотлари, дефолиантлар, махсус кийим ва ҳимоя воситалари билан таъминлансин. Ҳамма жойда механик-ҳайдовчиларнинг малакаси оширилсин, уларга техникадан юқори унум билан ва сифатли фойдаланишнинг илғор усуллари ўргатилсин;

аэродромлар ўз вақтида тайёрлаб қўйилсин, дефолиация ўтказувчи кадрлар тайёрланиб, уларга иш ўргатилсин, мавжуд асфальт майдончалар ремонт қилинсин ва янгилари қурилсин, тош-тарози, ички хўжалик йўллари ва кўприклари шай қилиб қўйилсин.

20 августгача тайёрлов пунктлари ва 1 сентябргача пахта заводлари тайёр ҳолга келтирилсин, янги қуритиш-тозалаш цехлари қурилиши ва ремонти битказилсин, улар ёқилғи билан таъминлаб қўйилсин;

пахта тайёрлаш бошлангунча завод ташқари тайёрлов пунктларида «2СБ-10» маркали 17 та қуритиш барабани ўрнатилсин. «Ўзбекхлопкомаш» заводи барча қуритиш барабанларини комплектлаш қисмлари билан таъминлансин;

механизаторларга, пахта терувчиларга, ғўза баргини тўкиш билан шуғулланувчи экипажларга маданий-маиший шароитлар яратилсин. Колхоз ва совхозлардаги мактабгача тарбия болалар муассасаларининг иши яхшилансин;

20 августдан 25 августгача пахта териш ва уни тайёрлашга ҳозирлик районлар, хўжаликлар ўртасида ўзаро текшириб чиқилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик, Пахта тозалаш саноати ва Тайёрлаш министрликларига, «Главсредазирсовхозстрой»га, область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига:

КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети X пленуми қарорлари асосида юқори сифатли пахта ҳосилини қисқа муддатларда ва ҳеч нобуд қилмай териш ва тайёрлашнинг давлат аҳамиятига эга эканлиги тўғрисида колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари ва бригадирлари, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари, пахта теримчилари ва тайёрлаш пунктларининг ходимлари ўртасида кенг тушунтириш иши ўтказиш; пахтани териш, ташиш, асраш ва қайта ишлаш вақтида нобудгарчиликка мутлақо йўл қўймаслик чораларини кўриш, топширилаётган ва тайёрланаётган пахтанинг сифати учун колхозлар, совхозлар ва тайёрлаш пунктлари раҳбарлари зиммасига шахсий масъулият юклаш, ҳом пахтанинг терилишига, унинг ифлосланишига йўл қўймаслик;

пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларини, бевосита машинада пахта теришда банд бўлган ходимларни мукофотлашни кенг қўлланиш, машинада терилган пахтанинг ифлосланишини камайтирганлик учун, уни давлатга юқори сифатли қилиб топширишни таъминлаганлик учун тўланадиган 50 процентли устамадан фойдаланиш таклиф қилинди.

«Союзмашхлопководство» бирлашмасига терим техникасининг запас қисмлари юзасидан уч квартал учун ажратилган фондларни Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети билан келишилган муддатларда ва номенклатурада муддатидан илгари етказиб бериш чораларини кўриш, шунингдек терим техникасининг запас қисмларини қўшимча миқдорда жўнатиш имкониятини кўриб чиқиш топширилди.

«Ўзбекхлопкомаш» бирлашмасига республика пахта заводларини тайёрлов пунктларининг механизация воситалари запас қисмлари билан йиллик фондининг камида 80 проценти ҳажмида 15 августгача; асосий технологил асбоб-ускуналари ва қуритиш-тозалаш цехларининг ускуналари запас қисмлари билан 20 августгача таъминлаш таклиф қилинди.

Ўзбекистон ССР «Главнефтеснабсбит»га, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетига терим техникасининг узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида колхоз ва совхозларда зарур запасларни терим ишлари бошлангунча ғамлаб қўйишни назарда тутиб, ҳосил терими эҳтиёжлари учун ёнилғимойлаш материалларини ташиб олиш масаласини қўшимча равишда кўриб чиқиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, «Главсредазирсовхозстрой»га, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига пахтаси машинада терилаётган участкаларни ҳосилнинг 70 процентини машинада теришни таъминлайдиган қилиб ўз вақтида ажратиб қўйиш, ғўза баргини тўкириш юзасидан топшириқлар белгилаб қўйиш таклиф этилди. Айниқса аҳоли пунктлари зонасида ғўза баргини тўкиришда ерда ишлатиладиган аппаратлардан тўла-тўкис фойдаланишга алоҳида эътибор берилсин, бунинг учун ҳар бир «ОВХ-14» машинаси пухта тайёрлаб қўйилсин.

Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг талабномаси билан «АН-2» самолётларни ва вертолётларнинг тегишли миқдорини ўз вақтида ажратиб қўйсин. Самолётлар экипажларининг командирларидан ғўза баргини тўкитирадиган дорилар сепишнинг белгиланган қондаларига қатъий риоя этиш, ишнинг юқори сифатли бўлишини ва самолётлардан серунум фойдаланишни таъминлаш, хавфсизлик техникаси шартларини бажариш талаб қилинсин.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига, саноат корхоналари ва қурилишларнинг партия ташкилотларига пахта териш техникасини ва қуритиш-тозалаш цехларини ремонт қилишда, пахта, териш, тайёрлаш даврида ва қуритиш-тозалаш цехлари ишлаб турган пайтда уларнинг техникавий қаровида колхозларга, совхозларга ва тайёрлов пунктларига оталиқ ёрдамини уюштириш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик, Пахта тозалаш саноати министрликлари ва уларнинг жойлардаги органларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига:

(Давоми иккинчи бетда).

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. Москва районидаги «Правда» колхозининг ветерани, устоз сувчи, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери, коммунист Бойназар ота Тоштемировни ҳамма ҳурмат-эъзоз билан тилга олади. Ҳозир хўжалик далаларида унинг 30 шогирди баранали меҳнат қилаётир. Колхоздаги 6 бригада далаларига Сифат белгиси берилган. Ана шундай юксак баҳога эга бўлган майдонлардан 40 центнердан ошириб «оқ олтин» олиш мўлжалланмоқда. Бундай муваффақиятни қўлга киритишда Бойназар ота Тоштемиров (сиз суратда кўриб турибсиз) ва унинг шогирдларининг муносиб ҳиссаси бор.

А. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Урганч районидаги Ленин номли колхознинг Одамбой Асқаров бошлиқ бригадаси баҳодирлари ўтган йили гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олишган эди. Донгдор коллектив ўнинчи беш йиллигининг учинчи йилида янада юксак маррани кўзлаб меҳнат қилмоқда. Улар зарбдор йилда гектаридан 62 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган. Бригада далаларида ғўза парвариши график асосида юқори агротехника қоидаларига қатъий амал қилинган ҳолда олиб борилаётир.

Ленин номли колхозда бригадаларарo социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган. О. Асқаров етакчилик қилаётган коллектив мусобақада пешқадамликни қўлдан бермаётир.

Суратда: Одамбой Асқаров бригадасида ғўзаларни суғориш чоғи.

К. Отаев фотоси (ЎзТАГ).

МАККАЖЎХОРИ ЎРИМИ ҚИЗҒИН

САМАРҚАНД («Совет Ўзбекистони» мухбири). Хатирчи районидаги «КПСС XXII съезди» колхози правленеси маккажўхори донини тез, нобуд қилмай ўриб-йиғиб олишга пухта ҳозирлик кўрди. Учта «Херсонец» комбайни яхши ремонтдан чиқарилди. Ҳар қайсиси фақат биринчи класс механизаторлар билан таъминланди. Шу тариқа ўрим-йиғимга киришилди. Биринчи куни икки комбайн билан 5,7 гектар майдондаги маккажўхори ўрилди. Иккинчи куни учинчи комбайн ҳам далага чиқарилиб, кунлик суръат 8 гектарга кўтарилди. Уч кун давомида колхознинг Карим Жўрақулов бошлиқ бригадаси 23 гектар ернинг ҳосилини йиғиштириб олди. Ҳар гектарга ўрта ҳисобда 101 центнердан дон ва 450 центнердан силосбоп кўкпоя тўғри келди.

Серҳосил маккажўхори пайкалида «Херсонец»лар кетма-кет боряпти. Ҳар комбайнга 6 тадан тележка бириктилган. Бунинг иккитаси донга, тўрттаси силосга ажратилган. Комбайн — бункер — тележка — хирмон конвейер усули намунали ташкил этилган. Ҳар уч отряд бўйича дақиқалар қатъий ҳисобда, техниканинг ҳам, транспортнинг ҳам бир минутга бекор туришига йўл қўйилмаяпти.

Баланд бўлиб кетган маккажўхори орасида биронта бегона ўт йўқлиги, бачкисизлиги туфайли у сифатли ўриб олиняпти. Йўлдош Ражабов, Рауф Шарипов сменадошлари билан кунига икки гектар ўрнига уч гектар ердаги маккажўхорини ўриб, тележкаларга ҳар бири 30 тонна ва ундан ошириб дон тўкмоқдалар. Тележкачилардан Худойқул Исомиддинов, Шокир Шониёзов, Саид Асқаров ва бошқалар хирмонга тонна-тонна дон элтмоқдалар. Силос бостиришга ажратилган 12 та тележкачи Каттасой участкасидаги сут-товар фермасига кунига 9-10 мартадан қатнамоқда.

Икки марта Ленин ордени кавалери Чори Йўлдошев ўтган йили ҳар гектаридан 90 центнердан «каҳрабо дон» етиштирган эди. У зарбдор йилда ҳосилдорликни гектар бошига 120 центнерга кўтармоқчи. Ўрим-йиғимни тез, сифатли ўтказиш билан хўжалик меҳнатсеварлари давлатга уч план миқдорида дон топширишга ҳаракат қилишмоқда.

МУСОБАҚАДОШ ДЎСТЛАР ҲУЗУРИГА

Мусобақадош дўстлар беш йиллликнинг учинчи йилида қабул қилган социалистик мажбуриятларини қандай бажараётганликларини текшириш учун Ўзбекистон делегацияси 16 август куни Туркманистон ССРга жўнаб кетди. Делегация қардош республиканинг колхоз ва совхозларида бўлиб, ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳолати билан танишади, чорвачилик фермаларини кўздан кечиради.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министри И. Х. Жўрабеков бошчилигидаги делегация составида тажрибали пахтакорлар, агрономлар, партия, совет органларининг ходимлари, журналистлар бор.

(ЎзТАГ).

«САЛЮТ-6» — «СОЮЗ-29» — «ПРОГРЕСС-3»:

МЕДИЦИНА ТАДҚИҚОТЛАРИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 16 август. (ТАСС). Космонавтлар Владимир Коваленок билан Александр Иванченков ер атрофи орбитасида ишлаётганликларининг учинчи ой бошланди.

«Салют-6» — «Союз-29» — «Прогресс-3» илмий тадқиқот комплекси экипажи бугунги иш кунининг катта қисми медицина тадқиқотларига бағишланди. Бу тадқиқотлар узоқ муддат учишда космонавтларнинг аҳволи ва иш қобилиятини билиш ва прогноз қилиш мақсадида муттасил ўтказиб келиняпти.

Экипаж «Полином-2М», «Реограф» ва «бета» аппаратлари ёрдами билан юракнинг қисқариш функциясини комплекс равишда тадқиқ этмоқда ҳамда велоэргометрда маълум миқдордаги жисмоний нагрузка билан қон айланиш реакциясини тадқиқ этмоқда.

Кун программасига орбитал комплекс ҳоналарида газ муҳити тартибининг ўзгариш динамикасини ўрганишга бағишланган медицина — биологик эксперимент ҳам киритилган.

Комплекс ичида «Кристалл» ва «Қотишма» установкаларида космик материаллашуносликка бағишланган технологик экспериментлар давом эттирилмоқда.

Экипажнинг докладлари ва телеметрик информация маълумотларига кўра, «Салют-6» — «Союз-29» — «Прогресс-3» орбитал илмий тадқиқот комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди. Коваленок ва Иванченков ўртоқлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.

ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТАЗОРЛАРДА

Шеробод районидаги Ленин номли колхознинг барча 28 та чопиқ трактори ҳозир ҳам далаларда икки сменада ишлатилмоқда. Механизаторлар тупроқни юмшатмоқдалар, бегона ўтларни йўқотмоқдалар. Тракторчилардан М. Тошматов, Д. Омонов ва уларнинг ўртоқлари ҳар куни 150 гектарга қадар майдонга ишлов бермоқдалар.

Сувчилар ҳам меҳнат суръатини сусайтирмаяптилар. Улар тежамкорлик билан сувни ҳар бир ғўза тупига етказиб, «шарбат» усулида суғоришни пухта ўтказмоқдалар. 150 миробнинг ҳаммаси группа-группа бўлиб ишламоқда. Шу ернинг ўзида далада илғор тажриба мактаби ишлаб турибди. Энг яхши сувчилардан Б. Ҳасанов, Х. Қодиров, Р. Холматов ўзларининг тажрибаларини ёш колхозчиларга ўргатмоқдалар. Улар ҳар куни нормани икки баравар ошириб бажариб, аъло сифатли ишламоқдалар.

Хўжаликнинг кўпгина бригадалари КПСС Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларига жавобан ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб, янги, янада юксак марраларни белгиладилар. Х. Мустаев, К. Болтаев, М. Тошматов бошлиқ бригадалар 45-50 центнердан аъло сифатли хом ашё олишга қарор бердилар. Бу бригадаларнинг далалари Сифат белгисига сазовор бўлган.

(ЎзТАГ).

ҲОСИЛ КЎЗНИ ҚУВОНТИРАДИ

Ульянов районидаги «III Интернационал» совхозининг Ғ. Турсунов бошлиқ бригада даласидан ғалла комбайнлари чиқиб кетди. Комбайнчилардан М. Қўзиев, Н. Қосимов, Т. Примов ва Р. Раҳмонов ҳосилни ўтган йилги етти иш куни ўрнига беш иш кунида йиғиштириб олдилар. Бу ерда ҳар гектар ердан 100 центнер дон ва 400 центнер кўкпоя олинди — бригада ўзининг социалистик мажбуриятини муваффақиятли адо этди.

Ҳозир механизацияластирилган ўрим-йиғим транспорт отряди хўжаликнинг бошқа далаларидаги «дала маликаси» ҳосилини ўриб-йиғиб олишни тугаллади. Тўртта «Херсонец» комбайнининг ҳар бири икки сменада ишлаб, кунига 7-8 гектар майдондаги маккажўхорини йиғиштириб бермоқда. Прицепли 15 та трактордан иборат транспорт звеноси уюшқоқлик билан меҳнат қилмоқда. Тракторлар ҳосилни пешма-пеш қабул пунктига етказиб бермоқда. Маккажўхоридан силос бостириш ишлари ҳам юксак суръатлар билан олиб борилмоқда. Майдаланган кўкпоя сут-товар фермаси ёнида олдин тайёрлаб қўйилган силос чуқурларига бостирилмоқда. Хўжалик меҳнаткашлари ўрим-йиғимни 15 иш кунида тугаллаб, салкам 300 тонна дон етиштиришни мўлжаллаб қўйдилар, деб ёзади ЎзТАГ мухбири.

Қашқадарё областининг бошқа кўпгина хўжаликларида ўрим-йиғим транспорт отрядлари юксак унум билан ишламоқда. 13760 гектар ерга экилган маккажўхорининг ҳосиридаёқ 7 минг гектардан кўпроғидан ҳосил йиғиштириб олинди. Маккажўхоризорнинг ҳар гектаридан олинган самара ҳам юқори бўлди — ўрта ҳисобда 89 центнердан дон олинди.

КАТТА СУВ ТРАССАСИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгашида Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизишга боғлиқ масалалар билан шуғулланувчи махсус ишчи группа тузилди. Яқинда мустақил илмий тадқиқот институти ҳуқуқини олган кенгаш ҳозир умумиттифоқ аҳамиятига эга бўлган саккизта актуал темани ишлаб чиқмоқда. Шулардан учтаси Сибирь сув ресурсларини Орол денгизи регионига территориал тақсимлаш проблемасига бевосита бағишланган. Шу ишларни ҳамма чоралар билан тезлаштириш вазифаси қўйилди.

— Давлат эксперт комиссияси лойиҳанинг «Тўғай» деб номланган вариантини маъқуллади. Уни мамлакат Госплани тасдиқлаган, — деди Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, кенгаш раиси Ғ. Ўринбосари, ана шу проблема бўйича етакчи илмий мутахассислардан бири К. И. Лапкин ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда.

Қабул қилинган вариантга биноан Обь ва Иртиш суви Тобольск сув омборидан Тўғай чўли орқали аввало ўзи оқадиган каналдан оқади, сўнгра сувни кўтариш талаб этилган жойда насос техникасининг ёрдами билан оқизилади. Бундай вариант техника иқтисодий негизини тайёрлашда ўнлаб илмий коллективлар қатнашди. Сибирь суви бир қисмининг Ўрта Осиёга оқизилиши шу регионда — Обь дарёси ҳавзасида ва ҳаттоки Шимолий муз океанида физик-географик, экологик ёки бошқа йўсинда муҳим ўзгаришлар келтириш мумкин, деб илгари айтилган хавф-хатарлар асоссиз эканлигини олимлар исбот қилдилар.

Лойиҳанинг биринчи навбати Қозоғистон ва Ўрта Осиёга 25 куб километр сув ташлашни кўзда тутади. Бу миқдор Обь сувининг 10 процентига ҳам бормайди ва ҳавза режимига ҳеч бир таъсир кўрсатмайди, албатта. Вазифани ҳал этиш учун аслида кўкламги тошқин суви — «ортиқча», бефойда, кўпинча эса зиён етказувчи сувни йиғиб оқизиш керак бўлади.

Орол денгизи ҳавзасида, Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистоннинг унга ёндош территорияларида бу сув ҳаводек зарур.

Сибирь суви Жанубий Қозоғистон ва Ўрта Осиёга узоғи билан 1990 йилда, ҳеч бўлмаганда 1995 йилда етиб келиши керак. Сибирь сувини Ўрта Осиёга оқизиш проблемасига бағишлаб, шу йил кўкламда Тошкентда ўтказилган Бутуниттифоқ илмий конференциясида айтилганидек, лойиҳадаги капитал харажатлар орадан 10-10,5 йил ўтгач қопланади.

Ҳозир ҳал қилинмаган масалалар устида мамлакатнинг юздан ортиқ илмий ташкилотлари ва лойиҳа ташкилотлари, шу жумладан Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг муассасалари, Ўзбекистоннинг тармоқ илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари ишламоқда.

РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗЛАРИ, СОВХОЗЛАРИ, ПАХТА ЗАВОДЛАРИ ВА ТАЙЁРЛАШ ПУНКТЛАРИНИ 1978 ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШГА ҲОЗИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

Пахтазорларни саралаш ва унинг натижаларига қараб уруғлик чигит олинадиган пахта териш ва топшириш топширигини белгилаш;

уруғлик пахтазорларда дефолиация ва десикация ишларини уруғлик пахта ҳосили териб бўлингандан кейин ўтказиш;

уруғлик пахта ҳосилининг терилиши, топширилиши, қабул этилиши, асралиши ва қайта ишланиши учун колхозлар, совхозлар, тайёрлов ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассисларининг ҳамда пахтачилик бригадалари бошлиқларининг масъулиятини ошириш;

уруғлик пахта теримчиларининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида қўл терими нормасини техникавий пахта терими учун қабул этилган нормадан 20-25 процент кам қилиб белгилаш мажбуриятини совхоз директорларининг зиммасига юклатиш ва колхоз правлениеларига тавсия этиш топширилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик, Пахта тозалаш саноати министрликларига, «Главсредазирсовхозстрой»га, СССР Давлат стандарти республика бошқармасига ва Тошкент «Эталон» тажриба заводига колхозларда, совхозларда, пахта заводларида ва тайёрлов пунктларида тош-тарозиларни ремонт қилиш ва тамғалашни тугаллаш таклиф этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети:

— Ўзбекбирлашув, Ўзбекистон ССР Савдо, Пахта тозалаш саноати министрликлари, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетлари зиммасига барча колхозлар, совхозлар ва тайёрлов пунктларида ёнғин хавфсизлиги ҳолатини ҳамда давлат ёнғин назорати органлари тавсия этган тадбирларнинг бажарилганлигини 1978 йил 20 августгача текшириб чиқиш;

— Ўзбекистон ССР Маданият, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, Соғлиқни сақлаш, Алоқа министрликлари зиммасига колхозчиларга, совхоз ишчиларига ҳамда пахта териш ва тайёрлашда банд бўлган бошқа ходимларга намунали хизмат қилишни таъминлаш тадбирларини амалга ошириш вазифасини юклади.

Область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, «Главсредазирсовхозстрой»га ва уларнинг жойлардаги органларига касаба союз ташкилотлари билан биргаликда ҳосил теримининг дастлабки кунларидан бошлаб колхоз ва совхозларнинг меҳнатга яроқли бутун аҳолисини пахта теримига чиқариш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш, пахта териш машинасининг ҳар бир механик-ҳайдовчиси, ҳар бир теримчи кунлик нормани тўла ва ошириб бажариши учун социалистик мусобақани авж олдириш таклиф қилинди. Пахта терувчи механизаторлар, ишчилар ва колхозчиларни маънавий ҳамда моддий рағбатлантириш тадбирлари кенг кўламда қўлланилсин.

Қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзи республика, область ва район комитетларига совхоз ишчиларининг, колхоз, совхоз механизаторларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг белгиланган тартиби тўғри қўлланилиши ҳамда ҳосил теримида иш ҳақининг ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши устидан, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги ва ғўза баргини тўктириш ишида саноат санитарияси қоидаларига риоя этилиши ҳамда пахта териш техникаси ва механизмларидан хавф-хатарсиз фойдаланилиши устидан контролликни таъминлаш топширилди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига комсомол ташкилотларининг механик-ҳайдовчилар тайёрлашда, янги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашни юқори сифатли ўтказиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришда актив қатнашишини таъминлаш таклиф қилинди.

Теримнинг юксак суръатлари ва давлатга топшириладиган пахтанинг юқори сифатли бўлиши учун Қорақалпоғистон АССР, областлар, районлар, колхозлар, совхозларни, илғор механизаторлар ва теримчиларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари:

а) Қорақалпоғистон АССР ва областлар учун — иккита Қизил байроқ;

б) районлар учун тўртта Қизил байроқ (шу байроқларнинг бири давлатга ингичка толали пахта топширувчи районларни рағбатлантириш учун ва битта Қизил байроқ — қўриқдаги районларни рағбатлантириш учун);

в) совхозлар учун учта Қизил байроқ, шу жумладан битта Қизил байроқ қўриқдаги совхозларни рағбатлантириш учун ва битта байроқ ингичка толали пахта топширувчи совхозлар учун;

г) колхозлар учун иккита Қизил байроқ (шундан битта ингичка толали пахта топширувчи колхозлар учун) таъсис этилсин.

Кўчма Қизил байроқлар сентябрнинг биринчи ўн кунлиги якунларидан бошлаб ҳар 10 кунда бир марта берилади. Қизил байроқларни беришда планнинг бажарилиши, тайёрлаш суръатлари, тайёрланаётган пахтанинг сифати, машина терими планининг ҳамда уруғлик пахтани териш ва топшириш планининг бажарилиши ҳисобга олинсин.

Ингичка толали пахта етиштириш планига эга бўлган Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Наманган областлари бўйича сентябрнинг биринчи ва иккинчи ўн кунликларида Қизил байроқларни бериш вақтида фақат ўрта толали пахтага доир кўрсаткичлар ҳисобга олинсин.

Қорақалпоғистон АССРга ва областларга Қизил байроқларни топшириш билан бир вақтда илғор хўжаликларга сотиш учун иккитадан юк автомобили; унумдорлик ва терилган пахтанинг сифати соҳасида энг яхши кўрсаткичларга эришган пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларига сотиш учун 4 тадан енгил автомобиль ва пул билан мукофотлаш учун 2 минг сўмдан пул; районларга — илғор хўжаликларга сотиш учун биттадан юк автомобили, энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун иккитадан енгил автомобиль ва илғорларни мукофотлаш учун 500 сўмдан пул; совхозларга — энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун биттадан енгил автомобиль ва илғорларни мукофотлаш учун 300 сўмдан пул; колхозларга — энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун биттадан енгил автомобиль ва илғорларни мукофотлаш учун 200 сўмдан пул ажратилсин.

Ингичка толали пахта териш ва давлатга топширишнинг юксак суръатлари учун Қизил байроқлар берилаётган районлар, колхозлар ва совхозларнинг мукофот миқдори: районларга — илғор хўжаликларга сотиш учун биттадан юк автомобили, пахта териш машиналарининг энг яхши механик-ҳайдовчиларига сотиш учун учтадан енгил автомобиль ҳамда илғорларни мукофотлаш учун 700 сўмдан пул; совхозларга — механик-ҳайдовчиларга сотиш учун иккитадан енгил автомобиль ва илғорларни мукофотлаш учун 500 сўмдан пул; колхозларга — энг яхши механик-ҳайдовчиларга сотиш учун иккитадан енгил автомобиль ва илғорларни мукофотлаш учун 300 сўмдан пул берилади. Мазкур енгил автомобиллар пахта териш машиналарининг энг яхши механик-ҳайдовчиларига бозор фондидан матлубот кооперацияси йўли билан сотилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой»нинг совхозларида пахта терими илғорлари пландан ташқари фойда ёки совхозларнинг чиқимларини тежаш ҳисобидан мукофотлансин.

Қизил байроқлар Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси ҳамда қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчи ва хизматчилари касаба союзи республика комитетининг тақдимига биноан берилсин.

Область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига пахта теримида илғор районлар, колхозлар ва совхозларга топшириш учун кўчма Қизил байроқлар таъсис этиш, шунингдек ғўза баргини тўктиришда қатнашувчи самолётларнинг ва ерда ишлатиладиган агрегатларнинг экипажларини рағбатлантириш тадбирларини кўзда тутиш тавсия этилди.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, ЎзТАГга, Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига пахта териш ва тайёрлашга ҳозирлик, янги ҳосилни териш ва топширишни ўтказиш қандай бораётганлигини газета саҳифаларида, телевидение ва радио орқали мунтазам ёритиб бориш топширилди.

Республика газеталарининг саҳифаларида «Ҳурмат тахтаси» таъсис этиб, унга пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарган областлар ва районларни ёзиб бориш зарур деб топилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет, комсомол, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари, колхоз ва совхозлар КПСС XXV съезди, Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини ва КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми қарорларини муваффақиятли бажариш учун механизаторлар, колхозчилар, совхоз ишчилари ўртасида социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириб, пахта терими ўз вақтида ва юқори сифатли тайёргарлик кўрилган ҳолда ўтказилишини таъминлайдилар ҳамда давлатга пахта сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларнинг сўзсиз бажарилиши учун ҳамма чораларни кўрадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

Советлар мамлакатида

«Сибирь ва Узоқ Шарқ корхоналари буюртмаларини муддатидан илгари, юксак сифат билан бажарамиз!» — Москва областидаги Коломенск оғир машинасозлик заводи коллективининг ахди шундай. Суратда: корхонанинг коммунистин меҳнат бригадаси аъзолари айланма тозалаш станогини йиғиш ишлари хусусида маслаҳатлашмоқдалар.

Одесса порти ёнида янги корхонанинг биринчи навбати қурилиб, ишга туширилди. Бу ердан йилига 2 миллион тонна суюқ аммиак ва 650 минг тонна суперфосфат кислотаси қабул қилиш ҳамда жўнатиш мумкин. Суратда: корхонанинг иккинчи навбати учун «Подольксантехмонтаж» трести 26-қурилиш бошқармаси монтажчилари томонидан йиғилган 66 метрли генераторлар.

Н. Акимов ва И. Павленко фотолари. (ТАСС).

Редакция почтасидан

КУЛОЛЧИЛИК — САНЪАТ

Самарқанд районидаги Улуғбек номли фабриканинг кулолчилик цехида 23 хил совға буюмлари тайёрланади. Цехнинг моҳир, қўли гул ишчилари, мўйқалам усталари бор. Уларнинг қизил лойдан ясаган товоқ, кўзача, коса, пиёла, гул тувақлари, бошқа бежирим, нафис совғабоп буюмлари район, областдагина эмас, балки қўшни областлар меҳнаткашлари хонадонига ҳам файз киритиб турибди.

Лекин бир неча йилдирки, цехда ишчиларнинг нормал ишлаши учун қулай шароит яратилмаган. Бунинг қатор сабаблари бор. Тандир ҳам, лой аралаштирадиган ускуна ҳам, рассом, ишчининг иш жойи иккита тор хонага жойлашган. Бир ишчи ўз иш жойини эгалламоқчи бўлса, иккинчиси унга йўл бериши ёки чиқиб туриши керак. Ҳамма ишлар қўл кучи билан бажарилади. Хоналарда буюмлар, иш анжомлари уюлиб ётибди.

Қишда совуқдан цехда сув музлаб қолади, ёзда эса тандир ёнида қумғонда сув қайнатса бўлади. Лой, албатта, сувсиз тайёрланмайди. Сув эса 300 метрдаги арикдан ёки бирон хонадондаги водопроддан ташилади. Янги ишга келганлар сув, тупроқ ташишда синаб кўрилади. Цех атрофида на ошхона, на буфет ва на чойхона бор.

Аслида тупроқ шу райондаги «Победа» колхозига қарашли Конигил қишлоғидан келтирилиши керак. Лекин бунинг учун транспорт йўқ. Шу сабабли цех атрофидаги оддий қизил тупроқдан фойдаланиляпти. Бу эса маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Цех бошлиғи Неъмат Хўжаев бу ҳақда фабрика дирекциясига бир неча марта мурожаат қилганига қарамай аҳвол ўзгарганича йўқ.

Ҳозир ҳамма цех ёнида қурилаётган янги кулолчилик заводининг тезроқ ишга тушишини орзу қиляпти. Лекин туя гўшти еган бу завод қурилиши етти йилдирки, резинкадай чўзилиб келяпти.

Дастлаб завод қурилиши ҳақидаги овоза тез тарқалди. «Ўзгипромеспром» завод лойиҳасини ишлаб чиқди. Монтаж ишлари Самарқанддаги «СПМК-92» қурилиш ташкилоти зиммасига тушди. Область маҳаллий саноат бошқармаси ремонт-қурилиш участкаси қурувчилари ишни тезлаштиришни бир неча йилдан бери пайсалга солиб келяпти. Область маҳаллий саноат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Р. Этенер ва ремонт-қурилиш участкаси бошлиғи В. Минютинлар бу объектда бурилиш ясашга эътибор бермаяптилар. Подстанция қурилган-у, завод цехларига кабель ўтказилмаяпти. Аниқроғи, кабелнинг ўзи йўқ. Зарур материаллар, ускуналар етишмайди. Кўтарма кран йўқ. Бино ичида рельс, газ, электр печлари, қанчақанча пул сарфланиб узоқ жойлардан, баъзилари ҳатто чет элдан олиб келинган конвейер сушилка, насослар, фильтрловчи пресслар электр қувватига муҳтож бўлиб ётибди.

Ташқаридаги тўртта хумдон анча машаққат билан тикланди. Аммо, устн очиқ қолгани туфайли ёмғирда чўкиб кетди. Фабрика дирекцияси завод қурилиши учун зарур нарсаларни сўраб Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги, область маҳаллий саноат бошқармасига талабномалар ёзди. Аммо министрликдагилар бу заводнинг «пландан ташқари қурилаётганлигини» деб қилишдан нарига ўтишмади.

Кулолчилик қадим замонлардан қолган тарихий ва бой мерос, хусусан Ўзбекистонда, жумладан, Самарқандда бундай ноёб, нозик санъатнинг истеъдодли усталари жуда кўп ўтган. Улар ўз миллий санъатлари билан оддий лойга сайқал бериб, жило, нафосат бахш этганлар. Бундай нодир буюмлар ҳозир ҳам музейлар, хонадонларга файз киритиб турибди.

Миллий санъатга бўлган ихлос ва талаб кун сайин ошиб бормоқда. Бу кулоллар зиммасига катта вазифалар юклайди. Кулолчилик эса нозик, мураккаб ва умри боқий санъатдир. Шундай экан, қадимий ва навқирон Самарқандда бу санъатнинг равнақи, истиқболи эндиликда янги завод бинои қурилишини тезлаштириш ва уни фойдаланишга топширишга боғлиқ бўлиб қолди.

А. МУҲАММАДАЛИЕВ,
жамоатчи муҳбиримиз.

БИРИНЧИ ҚУНҒИРОК ЯҚИН!

ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

Конимех районидаги «КПСС XXV съезди» совхозида янги мактаб қуриб битказилди. Хўжалик меҳнаткашларининг фарзандлари янги ўқув йилини кенг, ёруғ синфларда, энг янги асбоб-ускуналар билан жиҳозланган кабинетлар ва устахоналарда бошлай олишлари учун совхоз бинокорлари астойдил меҳнат қилдилар. Мактаб ҳузуридаги интернат ҳам ўқувчиларни қабул қилишга тайёрлаб қўйилди. Бу ерда олис яйловлардан ўқишга келадиган чорвадорларнинг фарзандлари яшаши ва шуғулланиши учун яхши шароитлар яратилган.

Совхоз дирекцияси ва партия комитети шу йил бошида райондаги барча меҳнат коллективларига мурожаат қилиб, оталиқдаги мактабларни ўз вақтида ва сифатли тайёрлаш, таъминлашга даъват этган эдилар. Уларнинг ташаббуси кенг кўламда қўллаб-қувватланди. Хозирги кунда Конимех районидаги ҳамма мактаблар капитал ёки жорий ремонт қилиб битказилди, синфхоналар, ўқув кабинетлари ва лабораторияларнинг асбоб-анжомлари янгиланди. Кўпгина хўжаликларда мактабларда ишлаш учун келаётган ёш ўқитувчиларга уйлар қурилган.

ОММАВИЙ-СИЁСИЙ ИШЛАР

АГИТАТОРЛАР ДАЛАДА

Карл Маркс номли совхоз пахтакорлари тўққиз минг тонналик улкан хирмон учун курашиб, дала ишларини ҳар қачонгидан ҳам қизитиб юборганлар. Шу билан бирга пахтакорлар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилган. Бу соҳада совхоз партия комитетининг секретари Шоғдор Қўзиев алоҳида ташаббус кўрсатиб ишламоқда.

Партия ва ҳукуматимизнинг қарорларини оммага етказишда идеология фронти жангчиларининг хизмати катта. Қирқ беш нафар агитатор, ўн нафар лектор шу кунларда шийпонларда бўлишиб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Кичик ер» ва «Тикланиш» асарларининг ҳар бир сатрини, КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларини тушунтириб бермоқдалар.

Айниқса, агитаторлардан Кенжа Жўраев, Бегмат Хўжақулов, Шароф Жўмаев, Йўлдош Раҳмонов, Ҳусан Гелдиев, Бўри Шодмонов, Ўғил Полвоновалар ўзларининг марокли ва мазмунли сухбат ва лекциялари билан ишчиларни хурсанд қилмоқдалар. Агитаторлар Ленин орденли Маҳкам Ҳазраткулова, Қўшша Бозоров, Бўри Едгоров, Махмуд Аҳмедов, Рўшно Бозоров бошлиқ бригада дала шийпонларида бўлиб, «Сув — зар, сувчи — заргар». «Механизатор — ҳосил посбони». «Меҳнат ютуқларимиз — Ватанга». «Ўзбекистон — «оқ олтин» ўлкаси» темаларида ҳам суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Ҳ. НАЗАРОВ,
Нишон районидаги К. Маркс номли совхоз 2-бригадаси агитатори.

СОВЕТ ҲАРБИЙ КЕМАЛАРИНИНГ ЯХДРга ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

Келишиб олинганига мувофиқ, вице-адмирал Н. Я. Ясаков қўмондонлигидаги қўриқчи кема, сув ости кемаси ва ҳарбий транспортдан иборат совет ҳарбий кемалари отряди шу йил 19 августдан 24 августгача расмий дўстона визит билан Яман Халқ Демократик Республикасининг пойтахти Адан портида бўлади.

Янги агрегат

Бу йил Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозида сабзавот ҳосилдорлиги учдан бир ҳисса кўпайди. Рационализаторлар яратган сабзавот тагини юмшатиш агрегатини қўлланиш туфайли бунга эришилди.

Махсус кескич ўрнатилган янги культиватор тупроқни 20-22 сантиметр, яъни одатдагидан анча чуқур юмшатади. Бу эса ўсимликларнинг яйраб ўсишига ёрдам беради, чунки шу усулда юмшатилган ўсимликларнинг илдиз системаси сув ва ўғитдан яхши баҳраманд бўлади.

Бу йил Оржоникидзе районидаги «Маданият», «Қизил Ўзбекистон», Ленин номли колхозларнинг ва бошқа хўжаликларнинг далаларида ҳам ана шундай механизмлар пайдо бўлди. Бу механизмлар экиларни агротехника жиҳатидан юқори даражада парваришлаш қилиш имконини беришдан ташқари, сув ва маҳаллий ўғитдан рационал фойдаланишга ёрдам беради. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги бу янгиликни сабзавот етиштираётган республиканинг бошқа колхоз ва совхозларига тавсия этди.

(ЎзТАГ).

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинати фабрика ва цехларида, участка ва бригадаларида 1978 йил топшириқларини ва умуман ўнинчи беш йиллик планларини муддатидан илгари ошириб адо этиш, халқимизга аъло сифатли кўплаб газламалар етказиб бериш учун ички резерв ва имкониятлардан унумли фойдаланилмоқда. Бунда ишлаб чиқариш новаторлари ва коммунистик меҳнат зарбдорлари байроқдорлик қилишмоқда.

Суратда: 2-тўқув фабрикаси ип йигирув цехининг илғор ишчиси Х. Абдуллаева. У смена топшириқларини 130-140 процентдан бажариб, 1979 йил ҳисобига маҳсулот тайёрламоқда.

А. Тўраев фотоси.

ДЕПУТАТЛАР БОШЧИЛИГИДА

Бухоро районидаги Энгельс номли колхоз пахтакорлари «оқ олтин» йиғим-терими бошланиши арафасида яхши тўқфа олдилар. Бу ерда учта типовой дала шийпони фойдаланишга топширилди. Уларда деҳқонларнинг маданий хордиқ чиқариш учун барча шароитлар яратилган. Қаваламаҳмуд қишлоқ Советининг депутатлари ана шулар тўғрисида ғамхўрлик қилишди. Уларнинг илтимосномаларига биноан зарур материаллар ва маблағлар ажратиб берилди. Колхозчилар қурувчиларнинг ишни тезлаштиришларига ёрдам бермоқ учун депутатлар билан биргаликда шанбаликларга чиқдилар.

Қишлоқ Советининг депутатлари жуда кўп ибратли ишлар қилишган. Бу йил колхозда уларнинг актив иштироки билан 90 ўринли болалар боғчаси қисқи, универмаг, умумий овқатланиш корхоналари барпо этилди.

(ЎзТАГ).

МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ

ЁРДАМГА МУҲТОЖ ҚУРИЛИШЛАР

Самарқанд областида чорвачилик, ғаллачилик, пахтачилик, боғдорчилик, сабзавот ва узумчиликкa, қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларига ихтисослаштирилган совхозлар кўп. Давлат хўжаликларига раҳбарликни яхшилаш мақсадида область бўйича иккита махсус трест тузилган. Ҳар иккала трестнинг қурилиш ишлари билан шуғулланадиган директор ўринбосарлари бор. Лекин кўпчилик совхозларда ободончилик, қурилиш ишлари талабга мутлақо жавоб бермайди. Ҳатто, энг эски «Улус» қорақўлчилик, «Зарафшон» пахтачилик, «Ургут» узумчилик совхозларида ҳам аҳвол яхши эмас.

Хатирчи районидаги «Зарафшон» совхози катта майдонларда пахта, беда ва маккажўхори етиштиради. Ҳар йили план ва социалистик мажбуриятларини ошириб бажаради. Совхоз иқтисодий жиҳатдан бақувват, қурилиш учун етарли маблағи бор. Хўжалик кейинги беш йил ичида қарийб беш ярим миллион сўм соф фойда олди. Шунга қарамай, бу ерда қурилиш ишлари ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Бунда маъмурият учун тузукроқ бино ҳам йўқ. Олти бўлимдан иборатасида мактабгача болалар муассасалари қурилмаган. Фақат марказидагина битта боғча очилган.

Областдаги деярли барча пахтачилик совхозлари рентабелли ҳисобланади. «Пайариқ», «Даҳбед», «Оқдарё», «Жомбой», Улуғбек номли совхозларда капитал қурилишларга ажратилган маблағлар ноўрин баҳоналар билан қолиб кетмоқда. Соф фойданинг бир қисми бошқа хўжаликларга олиб берилмоқда. Область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли 15 та пахтачилик совхозида тегишли лойиҳалар тузилган, объектлар белгиланган. Пудратчилар билан шартномалар тузилган. Ҳар қайси хўжаликда қайси қурилиш ташкилотининг нима ишларни бажариши ҳам аниқ. Бундан ташқари, пахтачилик совхозларида алоҳида қурилиш бригадалари мавжуд. Аммо капитал қурилишларнинг аҳволи замон талаблари даражасида эмас.

Пахтачилик совхозлари ўтган йили ўн беш миллион сўмдан кўпроқ соф фойда кўргани ҳолда қурилишларда кескин ўзгариш қилолмади. Нега? Чунки, совхозлар белгиланган объектлар учун тегишли қурилиш материаллари билан етарли таъмин этилмади. 1977 йил давомида ўн бешта совхоз бўйича планлаштирилган шифер фондидан фақат 68 процент фойдаланилди. Ойна билан 87 процент таъминланди. Совхозларнинг ёғоч билан таъминланиши бор-йўғи 39 процентни ташкил этди. Ёғоч йўқлигидан кўпгина объектларда қурилиш ишлари тўхтаб қолди.

Пахтакор совхозларнинг асосий пудратчиси ҳисобланган Самарқанддаги 15-қишлоқ қурилиш трести ва унинг жойлардаги бошқармалари қониқарсиз ишламоқда. Трест бултур 1541 минг сўмлик маблағдан лоақал ярмисини ҳам ўзлаштиролмади. Трест раҳбарларининг эътиборсизлиги орқасида «Оқдарё» совхозида бир неча юз минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилмай қолди. Бундан уч-тўрт йил олдин бошланган объектлар қурилиши ҳалигача тугалланмаган. Қўшимча пудратчи бўлган Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигининг 2-трести ва республика Алоқа министрлигининг бошқармаси шартнома бўйича кўпчилик иш турларини бажармади.

Пастдарғом районидаги «Самарқанд», Иштихон районидаги «Янгикент» совхозлари янгидан ўзлаштирилган массивларда ташкил қилинган. Буларда уй-жойлар, маъмурий идоралар, марказий ремонт устахоналари, маданий-маиший бинолар қуриш республика Қишлоқ хўжалик министрлиги зиммасига юкланган эди. Мана, хўжаликларнинг ташкил топганига ўн йил бўляпти, бироқ уларда бошланган объектлар ҳанузгача қўлдан чиқарилмаган.

«Самарқанд» совхозига хизмат қиладиган 6-Жума механизациялашган кўчма колоннада бўлганимизда галати аҳволни учратдик. Бу ерда 1977 йил давомида колонна бошлиғи икки марта ўзгартирилган. Совхозда қурилиш-монтаж ишлари барбод этилган. Колонна билан хўжалик ўртасида шартнома ҳам тузилмаган. Колоннада 1977 йилда бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари плани икки марта ўзгарган.

— Нега бундай қилинган? — сўрадик колонна бошлиғи Ф. Исахаровдан.

— Трест буйруғи бу, — жавоб берди у.

— Хўш, ишнинг қанчаси бажарилди?

— Оз...

Ф. Исахаров йиллик бажарилган ишлар миқдорини аниқ айтиб беролмади. Буни колонна план бўлимидан суриштириб билсак, бор-йўғи 61 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилибди. Бу, план 20 процент атрофида адо этилган, деган маънони билдиради. Аҳвол шундай бўлгач, совхознинг 1971 йилда қурила бошлаган марказий ремонт устахонаси ҳалигача битказилмаганига таажжубланмаса ҳам бўлади. Бўлимлардаги аҳвол бундан ҳам ачинарли. Кўпида техникани сақлаш учун тузукроқ жой йўқ. Бригадаларда дала шийпонлари қурилмаган.

Областда қорақўлчиликка ихтисослаштирилган давлат хўжаликлари кўплиги туфайли алоҳида совхозлар трести ташкил этилган. Унга Нурота ва Советобод районларидаги барча, шунингдек, «Мойбулоқ», «Олтинсой». Киров номли қорақўлчилик совхозлари ҳам қарайди. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги қорақўлчилик совхозларининг қурилишларини зарур маблағ ва бинокорлик материаллари билан етарли таъминламаётир. Натижада Нурота районидаги «Октябрь 50 йиллиги», «Қўшработ», Советобод районидаги «Каттақўрғон», «Улус», «СССР 50 йиллиги» қорақўлчилик совхозларида баъзи объектлар битказилмаган. «Каттақўрғон» совхозида 785 ўринли ўрта мактаб биноси қурилишида энди 50 процент қурилиш-монтаж ишлари бажарилган.

— Қурилиш объектларимиз кўп, — дейди область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ю. В. Богун. — Лекин планлаштирилган қурилиш материалларини, хусусан, ёғочни ололмаётирмиз. Ёғоч камчилигидан кўпгина объектларда иш тўхтаб қоляпти.

Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд область совхозларида капитал, уй-жой, маданий-маиший объектлар қурилиши ўлда-жўлда қолмоқда. Самарқанд совхозлари республика министрликларининг шошилинч ёрдамига муҳтож!

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Сўз-тажрибакор деҳқонларга

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК МАНБАИ

Деҳқонларимизнинг мақсад ва ниятлари равшан: беш йилликнинг зарбдор йилида давлатга 10 минг тонна сифатли пахта етказиб берамиз. Бу, ўтган йилдагидан 1800 тонна кўп демакдир. Механизатор, сувчи ва колхозчилар кун сайин ҳосилга-ҳосил қўшишга интиляпти. Органик ўғитлар билан озиқлантириш, чуқур ва сифатли культивациялаш, суғориш ишлари бир-бирига боғлаб олиб борилянти.

Август ойини ҳосилга ҳосил қўшиш ойи деб эълон қилганмиз. Қалбида виждони, билагида кучи бор кишиларнинг ҳаммаси дала ишларида фидойилик билан меҳнат қилмоқдалар. Ҳар туп ғўзада 6-7 та тўқ кўсаклар бунёдга келтирдик. Лекин бу талабга жавоб бермайди. Шу кунларда астойдил ишласак ҳар уч-тўрт кунда битта тўқ кўсак яратиш, мавжудларининг тўлишиб очилишини тезлаштириш мумкин. Ҳозир далаларимизда бегона ўтлар бутунлай йўқотилди, зараркунандалар қириб ташланди. Лекин улар бугун йўқ экан, эртага пайдо бўлиши, айниқса ўргимчаккана, кўсак қурти ҳосилга жиддий зарар етказиб қўйиши мумкин. Шуни ҳисобга олиб хушёрликни оширяпмиз, ҳамма ғўзаларни серҳосил қилиб олиш учун бутун куч, техника воситаларини сафарбар этяпмиз. Мўл ҳосил учун кураш Социалистик Меҳнат Қаҳрамони З. Кенжаев, Ленин ордени кавалери А. Турғунов, А. Холдоров ўртоқлар бошлиқ бригадаларда намунали уюштирилган.

Колхозимиз мутахассислари ҳар куни дала айланишади. Улар ҳар туп ғўза билан «тиллашиб» яшамоқдалар. Ишлсвнинг мароми, озиқлантиришнинг миқдори, сувнинг таъминоти доим пазаримизда. Хуллас, барчанинг нигоҳи ғўзада. Яқинда сувчилар ўртасида аккорд мукофот уюштирилди. Суғоришнинг сифати бу йилги шароитда муҳим аҳамиятга эга. Ғўзани енгил-енгил, тез-тез суғориш ва кетма-кет культивация ўтказиш ўзининг яхши самараларини бермоқда. Ҳозир сувчилар сони 150 кишига етказилди. Уларнинг учдан икки қисми 15—20 йиллик иш стажига эга бўлган мирзикорлардир. Н. Нажимов, С. Узоқов, Т. Мирзалиев, У. Ўролов, С. Хўжанов каби ўнлаб сувчиларнинг иш тажрибаси диққатга сазовордир. Улар экинни кўпроқ тунги сувга қондиришга эътиборни кучайтирмоқдалар. Пайкаллар бошида «Шарбатхона»лар ташкил этиб, ғўзани озиқли сувга қондиришга зўр бераётирлар.

Механизаторлар билан сувчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа шартлари тузилган. Яъни, механизаторлар сувчилардан суғорилган карталарни қабул қилиб олишади. Қатор ораларидаги тупроқ етилиши билан унга дарҳол «СУЗ» тиркалган культиваторлар киритилади. Шу тариқа суғориш, культивациялаш ва озиқлантиришнинг ўзига хос конвейери вужудга келади. Айниқса, 45—50 центнер ва ундан ҳам кўпроқ пахта етиштиришга енг шимарган бригадалар, звеноларда бу тадбир муҳим аҳамият касб этмоқда.

Механизатор — ғўза парваришида бош фигура. Унинг шижоати билан, маҳорати ва таланти билан ҳар туп ғўзада шода-шода кўсаклар маржони вужудга келаётир. Шонага-шона, гулга-гул қўшилмоқда. Бу жиҳатдан, Ленин орденли Т. Яхшибоев, Х. Деҳқонов, А. Ботиров, А. Нажимов ўртоқлар бошқараётган трактор экипажларининг иш тажрибаси диққатга сазовордир. Уларнинг иш конвейери ерни чигит экишга тайёрлашдан бошланиб, то кузгача, нъни, пахта йиғим-терими якунигача давом этади. Бутун мавсум мобайнида ҳосил тақдирига жавобгар ҳисобландилар. Механизаторлар ишининг бу таҳлитда уюштирилиши меҳнат унумдорлигини кўтаришга, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Ҳозирги кеча-кундузда далаларимизда 40 дан ортиқ чопиқ тракторлари тўхтовсиз ишлаб турибди. 80—100 га яқин транспорт тракторларида далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқарилаётир. Бу ўғитлар пешма-пеш ғўзаларга солинмоқда. Механизатор ҳам, сувчи ҳам ўзига бириктирилган пайкалларда йил бўйи ҳосил тақдирига мутасаддин ҳисобландилар. Деҳқон масъулияти — мўл ҳосил гарови. Деҳқон меҳри — мўл-кўлчилик манбаи. Деҳқон ғайрати мўъжизалар яратади. Бизнинг шароитимизда ҳамма иш, юмушлар деҳқон қўлидан, унинг фикр-зикридан ўтади. Шу тариқа мўл-кўл пахта ҳосили яратилади.

Биз ғўза парваришини ҳар йили пахта йиғим-теримига тайёргарлик билан боғлаб олиб борамиз. Хўжалигимизнинг чўл зонасида ишчи кучи кам. Ишни асосан техникага таяниб юритамиз. Бу йил ялпи ҳосилнинг 95 процентини машиналарда териб олишни эрта баҳорданоқ планлаштирганмиз. Шунга кўра 2300 гектар майдондаги ғўзанинг ҳаммаси машина теримига мослаб парваришланмоқда. Мавжуд 80 та терим агрегати мавсумга тахт қилиб қўйилган. Устахонамизда кўрак чувиш, тўкилган пахтани терадиган машина-механизмлар ремонти ҳам меъёрига етказилянти.

Колхоз бош инженери, республикада хизмат кўрсатган механизатор Я. Минвахов барча техника, машина-механизмларнинг янги мавсумга тайёргарлиги тўғрисида правлениеда ҳисобот берди.

Ҳозирги асосий вазифа — ғўза парваришини тўхтовсиз, юқори сифатли қилиб давом эттириш. мўл ҳосил тўплашни таъминлашдир. Бунинг учун далада ишлаётганларга қулай шарт-шароит яратиб бериш, дала шийпонларини намунали жиҳозлаш, болалар боғча-ясли лари ишини намунали уюштиришни изчиллик билан олиб бориш зарурдир. Партиявий-сиёсий оммавий-ташкилий ишлар савияси янада кучайтирилмоқда. Барча куч ва имкониятлар зарбдор йилда давлатга 10 минг тонна пахта, 2100 тонна дон, 900 тонна сут, 185 тонна гўшт, 210 минг дона тухум ва бошқа кўплаб сабзавот. полиз маҳсулотлари етказиб беришга қаратилмоқда.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти, барча коммунистлар август ойи охиригача қилинадиган ишларнинг комплекс планини белгилаб олдилар. Биз ғўзаларга яна камида икки марта, қолоқ участкаларда уч марта ишлов ўтказамиз. Органик ўғитлар билан озиқлантириш, суғоришни экиннинг об-тобига қараб табақалаштириб олиб борамиз. Ахди билан сўзи бир, иши билан дили бир деҳқонларимиз бу йилги мураккаб шароитларда ҳам пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил кўтариб, партиямизни ва халқимизни қувонтираверадилар.

И. ҚУЛДОШЕВ,

Задарё районидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени ли «Гигант» колхози ранси.

ҚАШҚАДАРЕ ОБЛАСТИ. Қўриқ Нишон районидаги «Пахтакор» совхози азаматлари 4500 гектар ердаги ғўзаларни меҳр билан парвариш қилишаётир. Хўжалик коллективи она-Ватанга зарбдор йилда 16 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш мажбуриятини олган. Далаларда ғўза парвариши қизғин давом этаётир. 85 чопиқ трактори ҳамда 350 сувчи бу ишда фаол қатнашмоқда. Ҳозиргача ҳар туп ғўзада ўртача 10-12 тадан кўсак ҳосил бўлди. Суратларда: совхознинг илғор сувчиси Тожинисо Жумаева ҳамда ғўзаларга ишлов бериш пайти.

А. Тўраев фотолари.

ШАҲАРЛИКЛАР ДАСТУРХОНИГА

ОҲАНГАРОН. К. Е. Ворошилов номли совхоз меҳнаткашлари зарбдор йилда пландаги 7180 тонна ўрнига 10 минг тоннадан ортиқ сабзавот маҳсулотлари етиштиришга аҳд қилишган. Айни кунларда пишиб етилган помидор, бодринг, карам пешма-пеш йиғиштириб олиниб, қўшни Ангрен шаҳри кончилари, Олмалиқ шаҳри металлургларига жўнатилмоқда. Ҳар куни совхоз далаларидан 140-150 тонна атрофида сабзавот ҳосили йиғиштириб олинмоқда.

Ленин ордени ва «Ҳурмат Белгиси» ордени кавалери Турсуной Назарова, Ҳусан Маҳкамов, Пардаҳул Бойқаев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда, сабзавот маҳсулотларини йиғиштириш қизғин давом эттирилаётир.

ХУШХАБАРЛАР

Қўқон пойафзал фабрикасининг икки поток линияси кузги — қишки пойафзал тайёрлашга ўтказилди. Эркакларнинг синтетик тагли иссиқ ботинкалари, қизларнинг этиклари ва бошқа хил пойафзаллар — жами ўн хил моделдаги пойафзаллар ана шулардан иборат. Уларни маҳаллий модельерлар ишлаб чиққан ва Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг бадиий кенгаши маъқуллаган. Қўқонлик пойафзалчилар йил охиригача 650 минг жуфтдан ошиқ кузги-қишки пойафзал тайёрлаб, магазинларга юборадилар.

* * *

Жарқўрғон районидаги Оқтепа массивида портлаш бўлди. Уни Душанба «Союзвзривпром» махсус бошқармасининг ходимлари тайёрладилар ва амалга оширдилар. 45 секундда 500 минг куб метр қаттиқ ер қўпорилди. Шундай қилиб, Оқтепа омборига сув келтирувчи каналнинг дастлабки 600 метрли участкаси очилди. Сув омбори жадал суръатлар билан қурилмоқда. Бу ерда шу йилиёқ 100 миллион куб метр сув йиғиш мўлжалланади.

* * *

«Средазтрансгаз» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ёш мутахассислари Г. Брохин ва Н. Долгов газ қувуридаги суюқликни билиб берадиган ажойиб прибор ясадилар. Компрессор станциясининг машина-ускуналарига тушган суюқлик уни ишдан чиқаради ва технология жараёнини йўлга солиб юбориш учун бир неча кун керак бўлади. Янги прибор бир неча секунд ичида сувни топиб, тегишли сигнал беради. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, уни қўллаш бир йилда ўнлаб миллион куб табиий газни тежашга имкон беради. [ЎзТАГ].

ЯНГИ ШИФОХОНАЛАР

Янгиқўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхозининг агропосёлкасида янги икки қаватли юз ўринли бальнеологик шифохона очилди. Касалхонанинг бўлимлари ва кабинетлари энг янги диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган.

Учинчи беш йиллик бошланганидан бери Наманган областининг шаҳарлари ва қишлоқларида 1250 ўринли 25 та касалхона қурилди, деб хабар қилади ЎзТАГ мухбири.

Йил охиригача область колхозлари ва совхозларида яна 14 та касалхона ишга тушади.

МОСКВАДА ОЛИМПИЯ ИНШООТЛАРИ ҚАД КЎТАРМОҚДА

ҚИЗҒИН ТАЙЁРГАРЛИК

XXII Олимпиада ўйинлари ташкилот комитетининг раиси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. Т. НОВИКОВ ТАСС мухбирининг илтимосига биноан, «Олимпиада-80»га қандай тайёргарлик кўрилаётганлиги тўғрисида гапириб берди:

— Ўйинларни ўтказишдек фахрли ҳуқуқ берилганлиги —Совет Иттифоқининг тинчлик учун курашдаги жуда катта хизматлари, унинг халқаро Олимпия ҳаракатига, физкультура ва спортни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси эътироф этилганлигини билдиради. Олимпия ҳаракатининг ғоялари — инсонпарварлик, дўстлик ва тинчлик ғоялари совет кишиларига айниқса яқин ва тушунарлидир. Шу сабабли ўйинларга тайёргарлик кўриш умумхалқ иши бўлиб қолди. Бу ишда барча иттифоқдош республикалар юзлаб корхона ва ташкилотларининг меҳнат коллективлари иштирок этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Олимпиада-80»га тайёргарлик кўришга катта ёрдам ва доимий эътибор бериб келмоқдалар.

Мамлакатимиз олимпия ўйинларига муваффақиятли ҳозирлик кўрмоқда. Бу ўйинларни ўтказиш учун 99 объектни, шулардан 76 объектни Москвада қуриш ва реконструкция қилиш керак бўлади. Ҳозир олимпия иншоотларини лойиҳалаш асосан ниҳоясига етказилди ва бу иншоотларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш юзасидан катта ишлар ҳажми бажарилди. Катта спорт комплекслари, меҳмонхона, туристик комплекслар ва техника комплекслари, маданий марказлар шулар жумласидандир. Уларнинг кўпчилиги ноёб бўлиб, қизиқарли инженерлик ечимлари билан, архитектура қиёфасининг ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ҳали яқиндагина олимпия майдончаларида қурилиш конструкцияларининг монтажчилари асосий хўжайинлар эди, эндиликда улар зарбдор иш эстафетасини пардозловчиларга бера бошладилар. Пардозловчилар ҳозирдаёқ телерадиомарказ студияларида, Лужникидаги универсал зал хоналарида меҳнат қилмоқдалар.

Таллинда вужудга келтирилаётган елканли қайиқ спорти марказида қурилиш ишлари тугай деб қолди. Олимпиаданинг елканли қайиқ мусобақалари ана шу ерда ўтказилади. Ленинград, Киев ва Минскда спорт иншоотларини, меҳмонхоналарни, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини тайёрлаш борасида катта тадбирлар амалга оширилмоқда. «Олимпиада-80»нинг саралаш футбол мусобақалари шу шаҳарларда ўтказилади. Хуллас, ҳамма олимпия объектларининг ўз вақтида ишга туширилишига тўла ишонса бўлади.

Маълумки, деди сўнгра И. Т. Новиков, шу беш йиллика совет кишилари тўққизинчи беш йилликдагига қараганда кўпроқ уй-жой оладилар. Шуни таъкидламоқчиманки, олимпия ўйинларига тайёргарлик уй-жой ва маданий-маиший қурилиш суръатларига таъсир қилмайди. Чунончи Москвада ва олимпия ўйинлари ўтказиладиган бошқа шаҳарларда бундай ишлар шу шаҳарларни ривожлантиришнинг бош планларида кўзда тутилган тадбирларнинг бир қисмидан иборат бўлади, холос. Қурилган янги меҳмонхоналар ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари, модернизация қилинган аэропортлар, темир йўл вокзаллари, шаҳар транспорт коммуникациялари ҳамда кенгайтирилган халқаро ва шаҳарлараро автомат телефон станциялари, телевидение ва радио каналлар олимпия ўйинларидан кейин ҳам совет кишиларига хизмат қилади.

Шу йил бошида Москвада бўлган Халқаро олимпия комитетининг президенти лорд Килланининг фикрича, бизнинг Олимпия қишлоғимиз бутун ўйинлар тарихида энг яхши бўладиганга ўхшайди. «Олимпиада-80» тугаганидан кейин бу ерга салкам 15 минг москвалик кўчиб киради. Улар комплекс тарзда қурилган микрорайонга эга бўладилар.

1980 йил 18 июлда олимпия машъали Москвага етиб келади. Машъал Ленинские Горида тантанали суратда қутиб олинади. Бу ерда, шаҳарнинг энг баланд жойида олимпия машъали ўйинлар ўтадиган бутун вақт мобайнида ёниб туради. Совет кишилари олимпия ўйинларини халқлар ҳамжиҳатлигини янада яхшилаш воситаси, кескинликни юмшатиш жараёнини кучайтиришга қўшилган конкрет ҳисса деб биладилар.

«Совет Ўзбекистони»га жавоб берадилар

Кеча редакциямиз текшириш ва чора кўриш учун тегишли ташкилотларга юборилган хатлар юзасидан ўнта жавоб олди. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ҚУНҒИРОТ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БЎЛИМИ: бир группа газетхон ўз хатида район матлубот жамиятининг баъзи савдо ходимлари харидорлар ҳақидан уриб, қолаётганлигини хабар қилишган. Бу текшириш чоғида тасдиқланди. Масалан, 5-магазин мудири С. Содиқов харидор К. Қонарбоева ҳақидан 3 сўм 4 тийин уриб қолаётганда қўлга тушди ва унинг устидан жиноий иш қўзғатилди. Яна бир магазин мудири Ж. Алиева ҳам (харидорнинг 3 сўм 88 тийинига ҳиёнат қилган) жиноий жавобгарликка тортилди, бундан ташқари унга район партия комитети бюроси томонидан қаттиқ виговор эълон қилинди. Шунингдек, савдо ходимларидан И. Жумабоева, Д. Олламбоева, С. Ғорешова, К. Фозиловаларга нисбатан ҳам қаттиқ чоралар кўрилди.

Ички ишлар бўлими район савдо ташкилотларида бундан буён ана шундай камчиликларнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқди.

УЛЬЯНОВ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ: газетхон В. Жумақуловнинг «Нима қилсак экан!» сарлавҳали танқидий мақоласи юзасидан махсус комиссия тузиб, текшириш ўтказилганда хатда қайд этилган фактлар тўла тасдиқланди. Ушбу хат ва текшириш якуни район халқ маорифи бўлимининг кенгайтирилган советида кўриб чиқилди. Николаев номли мактаб директори М. Музалимов ва ўқув-тарбия ишлари бўйича илмий бўлим мудири Ҳ. Норқуловлар таълим-тарбия ишларини бўшаштириб юборганликлари ҳамда ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараганликлари учун лавозимларидан бўшатилдилар.

Николаев номли 23-ўрта мактабда рўй берган нуқсонларни бартараф қилиш учун барча тадбирий чоралар кўрилди. Мактаб биноси «Карвистрой» территориал бошқармасига қарашли ремонт-қурилиш ташкилоти томонидан жорий ремонтдан чиқарилди ва ўқув даргоҳи 24 тонна кўмир билан таъминланди. Бундан ташқари мактаб мутахассис физкультура ва ашула ўқитувчилари билан мустаҳкамланди ва бу ерда ўн учта фан тўғараги ташкил қилинди.

Район халқ маорифи бўлими мактабларни янги ўқув йилига ҳозирлаш бўйича кенгайтирилган тадбирлар ишлаб чиқиб, уларни амалга оширмоқда.

ТОШКЕНТ ШАҲАР «АВТОДОРМЕХБАЗА» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТРЕСТИ: Киров районидаги Шчорс кўчасида истиқомат қилувчиларнинг чиқиндилар ўз вақтида шаҳар ташқарисига олиб чиқиб кетилмаётганлиги ҳақидаги ташвишли хабари текшириб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам мазкур кўча ва районнинг айрим кўчалари ўз вақтида аҳлат-чиқиндилардан тозалаб турилмаслиги тасдиқланди. Бунинг учун район «Автодормехбаза» директори вазифасини бажарувчи С. Жонбоев рағбатлантирилди, эксплуатация бошлиги Ашуровга виговор берилди.

Хат «Автодормехбаза» ва трест аппарати барча рахбарларининг йиғилишида муҳокама қилинди ва шундай камчиликларга яна бир бор йўл қўйилса, С. Жонбоев «Автодормехбаза» рахбарлигидан четлаштирилажаги айтилди.

Ҳозирги вақтда Шчорс кўчаси ва бошқа кўчалар чиқиндилардан тозаланиб, аҳлатлари олиб чиқиб кетиш мунтазам равишда йўлга қўйилди. Трест Киров район «Автодормехбаза» иши устидан қаттиқ назорат ўрнатди.

ОЛТИНКУЛ РАЙОН ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЛИМИ: газетхон Т. Раззоқов ўз хатида райондаги 56-ўрта мактаб директори Ш. Йўлдошев ўз лавозимини суиистъемол қилаётгани, мактабда молиявий интизом бузилаётгани ва бу ерда ички интизом бўшаштириб юборилганлигини ёзади. Район ҳалқ маорифи бўлими ревизорлар иштирокида хат юзасидан текшириш ўтказганда унда кўрсатилган фактлар асосан тасдиқланди. Мактаб директори томонидан бошқа мақсадлар учун ишлатиб юборилган 924 сўм пул ундан ундириб, қишлоқ хўжалик ишларида қатнашган ўқувчиларга тарқатилди.

Мактабнинг бошланғич синфлар бўйича илмий мудири Т. Мирзаев нормадан ортиқча тўрт соат дарс ўтиб, бошқа ўқитувчи номига ҳақ ёзиб, ўзи иш ҳақи сифатида олиб келганлиги учун ундан 266 сўм 80 тийин ундирилиб, кассага кирим қилинди.

Текшириш якуни район халқ маорифи бўлимининг советида кенг муҳокама қилинди. Мактабда ички назоратни бўшаштириб юборганлиги, молиявий интизомни қўпол равишда бузганлиги, шунингдек, район халқ маорифи бўлими қарорларидан етарли хулоса чиқариб олмаганлиги учун советнинг қарори билан мактаб директори Ш. Йўлдошев ўз вазифасидан бўшатилди.

Оламда нима гап

ДЎСТЛИК САМАРАЛАРИ

Деҳлидаги Совет маданияти уйида Ҳиндистон мустақиллигининг 31 йиллигига ҳамда Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган шартноманинг 7 йиллигига бағишлаб Ҳиндистон жамоатчилигининг тантанали митинги бўлиб ўтди. Митингда Ҳиндистон ҳукуматининг вакиллари, ҳалқ, Жаната парти ва бошқа сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

Ҳиндистон савдо, граждан таъминоти ва кооперация давлат министри Ориф Бек гапириб, Ҳиндистон мустақиллигининг 31 йиллиги мамлакатимиз тарихида шонли санадир, деди. Ҳозирги тантаналар бутун Ҳиндистон халқи кенг кўламда нишонлаётган Ҳиндистон — Совет шартномасининг етти йиллигига тўғри келди, деди у. Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорлик бой самаралар берди, деб таъкидлади министр. СССРнинг ёрдами туфайли Ҳиндистонда саноатнинг муҳим тармоқлари барпо этилди, давлат секторини янада мустаҳкамлаш йўли олиб борилмоқда ва бу йўл иқтисодий тараққиёт негизи бўлиб қолди.

Давлат сектори корхоналарининг муваффақиятли фаолияти мамлакатда пўлат ишлаб чиқариш, кўмир ва нефть қазиб чиқаришни кескин кўпайтиришга кўп даражада ёрдам берди. Феодализм асоратларини тугатиш, ер ислоҳоти ўтказиш, аҳолининг қолоқ табақалари аҳволини енгиллаштириш ишида жиддий чоралар кўрилди. «Биз, ҳиндистонликлар, деб таъкидлади министр, Совет Иттифоқи билан дўстлигимиз ер юзида мустаҳкам дўстлик ўрнатиш учун курашда тинчлик ва тараққиёт кучларига ёрдам берааётганлиги билан фахрланамиз».

Жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси В. И. Ленининг ўлмас ғоялари ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси Ҳиндистонни Англия мустамлакачилигидан озод этиш учун олиб борилган курашга ҳал қилувчи таъсир кўрсатди, деди Чет мамлакатлар билан дўстлик Ҳиндистон жамиятининг президенти Р. П. Агарвала. Бутун мамлакатда ўтаётган Ҳиндистон — Совет дўстлиги ойлиги мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ишонч зўрайиб, алоқалар мустаҳкамланиб бораётганлигидан яққол далолат беради деди у.

(ТАСС).

СОВЕТ ВИСТАВКАСИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Янги Орлеанда очилган замонавий совет тасвирий санъати виставкаси америкаликларга ғолт манзур ўлмоқда.

Таниқли совет рассомлари ва графикларининг асарлари намойиш этилаётган тасвирий санъат музейи биноси эртадан кечгача гавжум. Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин фаолиятига, Улуғ Октябрь социалистик революцияси ва гражданлар урушининг қаҳрамонона воқеаларига, совет кишиларининг бунёдкорлик меҳнатига бағишланган полотно ва гравюралар томошабинларда айниқса катта қизиқиш уйғотмоқда.

Янги Орлеан жамоатчилиги совет виставкасини саммий кутиб олди, деди маҳаллий халқаро марказ директори, виставкани уюштириш ташаббускори П. Фабри ТАСС мухбири билан суҳбатда. Америкаликлар Совет Иттифоқига жуда қизиқиб қарайдилар ва сизларнинг тасвирий санъат усталарингиз ижоди билан танишиш совет халқининг турмушини яхши билиб олишда уларга ёрдам беришига ишонаман. СССР билан АҚШ ўртасидаги ўзаро маданий ҳамкорлик мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатликни яхшилаш ишида муҳим роль ўйнайди. Тинчлик ва халқаро кескинликни юмшатиш учун мамлакатларимиз зиммасига алоҳида масъулият тушади, деди П. Фабри.

П. Фабри иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларни яхшилаш муҳолифларининг кирдикорлари сабабли бу муносабатларга раҳна тушганига қарамай, СССР билан АҚШ ўртасида маданий ҳамкорликни ривожлантириш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

(ТАСС).

КОНКРЕТ ҚАДАМЛАР ҚЎЙИЛИШИ ЛОЗИМ

ЖЕНЕВА, 16 август. (ТАСС). Қуролсизланиш комитетининг кечаги мажлисида СССР вакили В. И. Лихачев оммавий қирғин қуролининг янги турлари ва системаларини тақиқлаш масаласи хусусида гапирди.

Совет Иттифоқи ана шундай қуролнинг янги турлари ва системаларини яратиш ва ишлаб чиқаришни тақиқлашни таклиф қилганлигини у эслатиб ўтди. Бу бутун оммавий қирғин қуролининг янада кўпроқ вайронгарчилик келтирувчи янги турлари ва системалари пайдо бўлиши нуқтаи назаридан ҳам тўғри кўйган бўлур эди. Шу мақсадга эришиш учун совет делегацияси қуролсизланиш комитети ҳузурида малакали ҳукумат экспертларинг махсус группасини тузиб, янги ажал қуроли яратишнинг энг хатарли йўналишларини янада чуқур ва атрофлича ўрганиш ҳамда аниқлашни таъминлашни таклиф этди.

Шунингдек, у қуролсизланиш комитетига аъзо бўлган социалистик мамлакатларнинг ядровий нейтрон қуролни ишлаб чиқариш, тўплаш, жойлаштириш ва қўлланишни тақиқлаш тўғрисида халқаро конвенция тузиш хусусидаги таклифларини амалга оширишга киришишни ҳам таклиф этди.

СССР вакили АҚШни ва бошқа Ғарб давлатларини ядровий нейтрон қуроли ишлаб чиқаришдан ва уни жойлаштиришдан батамом ва сўзсиз воз кечиш тўғрисида ҳеч кечиктирмай музокара бошлашга чақирди.

ТЎНТАРИШ ҚИЛИШГА УРИНИШ БАРБОД ЭТИЛДИ

Ички реакция кучлари халқаро империализм мададига таяниб, Браззавилда, дейди Конго Халқ Республикасининг президенти Ж. Йомби-Опанго, 13 августдан 14 августга ўтар кечаси давлат тўнтаришини тайёрладилар.

Реакциячилар, деди у, миллий радио орқали нутқ сўзлаб, давлатнинг ҳозирги раҳбарларини ўлдиришни, ижтимоий тузумни ўзгартиришни режалаштирдилар. Фитначилар Ғарб мамлакатлари билан тил бириктириб, республика территориясига ёлланган ажнабий кучларнинг бостириб киришини тайёрладилар. Бироқ Конго Халқ Республикасининг давлат хавфсизлик кучлари реакциянинг ана шу шум ниятларини барбод этдилар. Фитна раҳбарлари — Конго Халқ Республикаси миллат халқ мажлисининг собиқ раиси Д. Миек-Ассисса, Конго армияси раҳбарларидан бири, мамлакатнинг собиқ ички ишлар министри Ф. Музабакани, шунингдек Б. Колела ва Ф. Мацьонелар қамоққа олинди.

Президент Конго меҳнаткашларини хушёрликни мустаҳкамлашга даъват этди. Мамлакатнинг қуролли кучлари юксак жанговар шай ҳолатга келтирилди, чегараларда контроллик кучайтирилди.

Ж. Йомби-Опанго ҳарбий хизматчиларга ва хавфсизлик кучларининг аъзоларига мурожаат қилиб, уларни Конго революцияси зафарларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга ва реакциянинг халқ ғалабаларига путур етказиш йўлидаги ҳар қандай уринишларига қатъий зарба беришга даъват этди.

(ТАСС).

«МАТЭН» ГАЗЕТАСИНИНГ ФИКРИ

ПАРИЖ. (ТАСС). Парижда чиқадиган «Матэн» газетасининг фикрича. Хуа Гофэн бошчилигидаги Хитой делегациясининг Европага қиладиган бу галги сафари очиқдақ-очиқ Советларга қарши характерда бўлади. Бу сафарнинг мақсади битта. у ҳам бўлса антисоветизмни пропаганда қилишдан иборат, деб таъкидлайди газета.

Ҳозирги Хитой сиёсатининг «моҳияти» шундан иборатки, Пекин раҳбарлари Хитойнинг буюк давлатчилик манфаатларини қарор топтириш тўғрисида гап борганида, мафкуравий категорияларни бир чеккага йиғиштириб қўядилар, деб ёзади сўнгра «Матэн» газетаси. Антисоветизм руҳи билан суғорилган шу «моҳият»нинг ўзи Хитойни Чилидаги машъум Пиночет ҳунтасининг объектив иттифоқчиси қилиб қўяди. Ана шу «моҳият»нинг ўзи ХХРни Вашингтон билан яқинлашиб олиб, Япония билан шартнома имзолашга олиб борди, илгари Пекин Японияни ўз мамлакатида милитаризмни қайта тиклаётгани учун доимо қоралаб келар эди.

Энди ана шуларнинг ҳаммаси ҳеч кимни ажаблантирмайди, деб хулоса қилади «Матэн» газетаси.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

⊙ **БЕЛГРАД.** Сербиядаги «Поморавле» бинокорлик корхонасининг ишчиларига Светозарево шаҳрида ўн минг тонна ғалла сиғадиган бетон элеваторни қуриш учун атиги икки ҳафта вақт талаб қилинди. Элеватор Совет Иттифоқидан келтирилган машина-ускуналар билан таъминланади.

Светозареводаги «Житомлин» тегирмон фирмаси — Совет Иттифоқининг элеватор машина-ускуналарини афзал кўраётган Югославиядаги кўп-гина ташкилотлардан биридир.

⊙ **БОНН.** «Умумий бозор» мамлакатларида ишсизлар сони кўпайиб бормоқда. ГФРдаги Европа Иқтисодий ҳамжамияти алоқа комитетининг хабар беришича, ана шу ҳамжамиятдаги тўққиз мамлакатда шу йилнинг июнь ойида ишсизлар сони 5,6 миллион кишига етган. Бир йил мобайнида ишсизлар 300 минг кишига кўпайган. Ишсизлар Ирландияда 8,6 процент, Бельгияда 7,6 процент, Италияда 7,5 процентни ташкил этади. Бу эса ишсизликнинг энг юқори даражасидир. Дастлабки ҳисобларга қараганда, июль ойида ишсизлар сони янада кўпайган.

⊙ **БРЮССЕЛЬ.** Бельгиянинг тўқимачилик саноати катта қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Бу ерда иқтисодий танглик натижасида сўнгги йилларда ишлаб чиқариш анча қисқарди, кўпгина фабрикалар ёпиб қўйилди. 1974 йилдан 1977 йилгача бўлган даврнинг ўзида бу тармоқда ишчи ва хизматчилардан, асосан хотин-қизлардан 25 мингдан кўпроқ киши ишсиз қолди.

⊙ **ОТТАВА.** Шу йилнинг 1 апрелида тугаган ўтган молия йилида Канада бюджетининг дефицити 10,3 миллиард Канада долларини ташкил этди. Мутахассисларнинг фикрича, шу молия йилида бюджетнинг салбий сальдоси 15 долларга етади.

⊙ **ДОРУССАЛОМ.** Танзаниянинг шимолий ғарбидаги Мванза шаҳри районида янги иссиқлик электр станцияси ишга туширилди. Бу электр станция республикаининг ана шу районида қурилаётган тўқимачилик ва озиқ-овқат корхоналарини энергия билан таъминлайди. «Танеско» давлат компанияси мамлакатни ривожлантириш учинчи беш йиллик плани доирасида бир қанча янги энергетика объектларини қурмоқда, бунда Танзаниянинг ресурсларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Совет Иттифоқи ана шу компанияга катта ёрдам бермоқда. Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий мадади билан Мбея шаҳри районида, Кивира дарёсида ГЭС қурилмоқда.

⊙ **ТОКИО.** Япониядаги Осака префектураси деҳқонларининг 600 дан кўпроқ вакиллари Тондабаяси шаҳрида ҳукуматнинг аграр сиёсатига қарши норозилик митинги ўтказдилар. Улар деҳқонларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисидаги талабларини назар-писанд қилмаётган ҳукмрон доираларининг сиёсатига қарши чиқдилар. Митинг иштирокчилари солиқларнинг тинмай кўпайиб бораётганлиги ва қишлоқ меҳнатчиларининг аҳволи ёмонлашаётганлиги сабабли норозилик билдирдилар. Шаҳар мэри Дзиро Утида ҳукуматнинг ҳозирги аграр сиёсати қишлоқ хўжалигига путур етказишга олиб келади, деди. У деҳқонларни ўз талабларининг қондирилиши учун олиб бораётган курашини кучайтиришга даъват этди.

(ТАСС).

СПОРТ

СПАРТАКИАДА:

ТОШКЕНТ ЧОРЛАМОҚДА

Яна уч ҳафтадан кейин республикамиз пойтахтида ўзига хос спорт байрами тантанали бошланади. Тошкентда мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ XV спартакиадаси байроғи кўтарилиб, Иттифоқимизнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган ёш спортчилар чемпион номини олиш учун қизғин баҳсга киришадилар. Спартакиада мусобақалари 5 сентябрдан 1 октябрга қадар давом этади. «Олимпиадачилар орамизда» шиори остида ўтдиган мусобақаларнинг кескин ва шиддатли бўлиши кутиляпти. Мусобақалар спортнинг 21 тури бўйича давом этади. «Оқ олтин» ўлкаси пойтахтига Иттифоқдош республикалар Москва ва Ленинград командаларининг қарийб 7500 вакили меҳмон бўлиб келади. Спартакиада баҳсларида қўлга киритилган натижалар келаси йили ўтказиладиган СССР халқлари ёзги VII Спартакиадаси очколар жамғармаси ҳисобига киритилади. Шу кунларда мусобақалар ўтказиладиган спорт базаларини қайта ремонт қилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Меҳмонлар учун жойлар ҳозирланмоқда, маданий ҳордиқ чиқариш программаси тузилмоқда. Куни кеча, Москвада СССР Маориф министрлигида ўтказилган матбуот конференциясида Спартакиада мусобақаси бош судьяси К. Жаров ана шулар ҳақида маълумот берди.

ҚАЙИҚ ҲАЙДАШ:

ФАХРЛИ ЎРИНЛАР

Москвада байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган мамлакат биринчилигида ўзбекистонлик 14 йигит-қиз республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилди. Вакилларимиздан бекободлик Николай Иошченко билан тошкентлик Надежда Краснобаевалар совриндор ўринларни банд этишди. Николай минг метрга қайиқ ҳайдаш бўйича олтин медалли бўлган бўлса, Надежда мусобақанинг кумуш медали совриндори бўлди.

ФУТБОЛ:

МАЙДОНДА БОЛАЛАР

«Чарм тўп» клуби соврини учун ўтказилаётган финал мусобақалар мухлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. 11—15 ёшли болалар тўп сураётган мусобақалар мамлакатимизнинг турли шаҳарларида давом этмоқда. Футбол мутахассислари эса тўп сураётган болалар орасидан қобилиятларини кўз остига олмоқдалар. Соврин учун республикамиз командалари ҳам куч синашмоқдалар. Чунончи, Запорожьеда куч синашган Чирчиқнинг «Чимён» командаси футболчилари муваффақият қозонишмоқда. Чирчиқликлар икки учрашувда ғалабага эришиб, ўз группаларида пешқадам бўлиб туришибди. Олмаотада эса Самарқанднинг «Луч» коллективи маҳаллий «Авангард» футболчилари билан ўйинда (2:3) сусткашлик қилишди.



РАССОМ БЛОКНОТИДАН

Чўл илҳомлари

Жиззах чўллари! Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куйган биёбонлар не-не йиллардан буён ўз халоскорларини кутиб ётди. Ниҳоят поёнсиз ерларга бахт кулиб боқди. Бу бахтни давримиз Фарҳодлари — баҳодир совет кишилари бахш этишди.

Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхоз ерлари ҳам бир вақтлар сувсок, кенгликлардан иборат эди. Ободончилик ва деҳқончиликни жон-дилдан севган ёшлар, тажрибакор кишилар бу ерларга қадам қўйишди. Ҳозир совхоз ерларини кўздан кечиринг-а! Хўжалик марказидаги шинам биноларни, гулзорларни кўрган кўзлар яйрайди. Бўлимлар ва бригадалардаги бир-биридан чиройли дала шийпонларини айтмайсизми?! Янги қурилишлар жадал давом этаётир. Уста пахтакор, ташкилотчи раҳбар Азиз Эргашев шу йил эрта баҳорда совхоз директорлигига тайинлангач, ишлар янада юришиб кетди. Яқин кунларда хўжалик маъмурий идораси олдида республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбоев номидаги ўрта мактабнинг ёшларини ижодий меҳнатга тайёрлаш ва тарбиялашга алоҳида аҳамият бериш зарур. Бу ишда кенг жамоатчилик билан бирга медицина ходимлари катта роль ўйнашлари керак.

Кашандалик ҳам кўпгина касалликларни келтириб чиқарувчи офат. Тамаки тутунида бир процентгача соф никотин бўлади. Шу боисдан чекувчи киши пага-пага тутун чиқарар экан. Ўзинигина эмас, атрофдагиларни ҳам кимёвий оғу билан заҳарлаётганини билмайди. Текширишларда баъзи болаларнинг пешобида ана шу оғу таркибида учровчи канцероген — рак пайдо қилувчи модда аниқланди. Бу ҳол болалар ҳузурида чекувчи ота-оналарга сабоқ бўлиши керак. Айниқса аёлларнинг ҳомиладорлик даврида чекиши ҳам жуда зарарлидир. Жаҳон медицина тажрибасида тамаки чекиш билан ўпка раки ўртасида бевосита алоқа борлиги исботланган. Ўпка ракига чалинган ҳар юз бемордан саксондан ортиғи ашаддий кашанда эканлиги маълум бўлди.

Чекишга қарши кураш самарадорлигини ошириш учун бизда қатор амалий тадбирлар кўрилди. Идораларо чекишга қарши кураш комиссияси тузилгани, тамаки чекувчиларни даволаш кабинетлари тармоғи кенгайтирилаётгани, чекишдек зарарли одатни ташлашга аҳд қилган кишиларга ёрдам тариқасида методик кўрсатмалар чоп этилаётгани шулар жумласидандир. Бу ишнинг бошланиши, холос. Чекишга қарши кураш катта ва оғир вазифадир. Аҳолининг турли ёш ва социал группаларини эътиборга олган ҳолда чекишга қарши кураш пропагандасини кучайтириш зарур. Зеро чекиш ва ичкиликбозликка қарши курашга социал иллатга қарши курашдек қаралиши керак. Мамлакатимизнинг ҳар бир граждани буни онгли равишда тушуниб олмоғи даркор.

С. ОРИПОВ,
медицина фанлари кандидати, доцент.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрлиги базасидаги

104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—1979 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЎҚУВЧИЛАР (уч йил муддатли ўқиш) ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАРНИ ЭГАЛЛАБ ЧИҚАДИЛАР: **контрол-ўлчов асбоблари ва автоматина бўйича слесарь, ёриттгич, кучланиш тармоқлари ва электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчи, юқори вольтли электр узатиш ҳаво линиялари монтажи бўйича электромонтёр, подстанциялар ва электр тармоқларидан фойдаланиш ва уларни ремонт қилиш бўйича электромонтёр, электростанция қозонлари ва турбиналарининг машинисти, кучланишли ускуналар ремонти бўйича слесарь, электрослесарь, автомобиль кранлари машинисти.**



БИЛИМ ЮРТИГА 15 ЕШГА ТЎЛГАН 8-СИНФ МАЪЛУМОТИДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

Ўқувчилар уч маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида маблағ билан рағбатлантириладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ АЪЛО БАҲО БИЛАН ТУГАТГАН ЎҚУВЧИЛАРГА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ УЧУН ИМТИЁЗЛАР БЕРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАРГА ДИПЛОМ БЕРИЛАДИ.

16 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЎҚУВЧИЛАР БИР ЙИЛ МУДДАТЛИ ЎҚИШГА (техника билим юрти программаси бўйича) ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР: **контрол-ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича слесарь, юқори вольтли ҳаво линиялари монтажи бўйича электромонтёр, тақсимлаш қурилмалари ремонти бўйича электрослесарь, автомобиллар ремонти бўйича слесарь.**

Ўқувчилар 30 сўм миқдорида стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида маблағ билан рағбатлантириладилар.

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган ҳарбий хизматчилар бир йил муддатли ўқишга қабул қилинадилар.

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР АТТЕСТАТ ОЛАДИЛАР.

Тошкент шаҳрида яшовчиларга автобус хизмат кўрсатади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: директор номига ариза, автобиография, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, ҳарбий билет, ҳарбий рўйхатга ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, олтита фотосурат (3х4 см.) яшаш жойидан справка ва медицина справкаси (286-форма).

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Визанинг адрес Тошкент область, Оржоникидзе райони, Таш ГРЭС посёлкаси (Олой бозоридан «Таш ГРЭС»гача 62-автобус билан борилади). Телефонлар: 62-12-16, 62-12-51, қўшимча 6-12, 3-18, 6-26.

ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА КАШАНДАЛИК—УМР ЭГОВИ

ҲУЗУР, КАЙФ, ФОЖИА

Кейинги йилларда ичкиликбозлик ва кашандалик каби зарарли иллатлар кўпчиликни ташвишлантирмоқда. Уларга қарши турли йўл: иқтисодий, социал, тиббий ва ахлоқий йўл билан кураш олиб борилмоқда. Аммо, бу тадбирлар комплекс қўлланилгандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Қуйида ана шу муаммонинг санитария пропагандаси нуқтаи назаридан қандай ҳал қилинаётганлигига тўхтаб ўтилади.

Мамлакатимиз улкан индустрия комплекслари, завод ва электростанциялар қуришни аллақачон ўрганиб олди, уй-жой қурилиши мисли кўрилмаган суръатлар билан олиб борилмоқда, космик фазони ўзлаштириш юзасидан бениҳоя катта ишлар амалга оширилаётир. Буларнинг ҳаммаси аниқ план асосида олиб борилаётир.

Ахлоқий проблемалар, шу жумладан ичкиликбозлик ва кашандаликка қарши кураш проблемаси ҳам худди шу йўсинда ҳал қилиниши керак. Зеро, ҳар иккала иллатга қарши курашнинг социал аҳамияти барчага маълум. Хусусан, алкоголли ичимликларга ружу қўйиш иқтисодий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам катта зарар келтирмоқда.

Партия ва ҳукуматимиз бу масалага алоҳида эътибор бермоқдалар. 1972 йилда КПСС Марказий Комитети ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Бу қарорда ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши собитқадамлик билан қатъий кураш олиб бориш, коллективларда ва аҳоли ўртасида оммавий-сиёсий ва маданий-оқартув ишларини кенг қулоч ёздириш, ичкиликбозликка қарши пропагандани кучайтириш вазифалари алоҳида таъкидланди. Жойларда ичкиликбозлик ва кашандаликка қарши самарали кураш олиб борилаётир. Самолёт ва поездларда, денгиз кемаларида, кинотеатр, концерт зали ва театрларда, дам олиш уйларида чекиш ман этилган.

Лекин кўнгилдагидек натижага кенг жамоатчиликнинг куч-ғайрати ва ҳамкорлигисиз эришиш қийин. Айни чоғда ҳар қандай ҳолатда, ҳар қандай иллатдан қутулишда гап ўша одамнинг ўзида қолган.

Шу ўринда ичкиликбозлик иллат эканлигини ҳамма биларкан ҳолда алкоголнинг саломатликка нақадар катта зарар келтиришини айрим кишилар тасаввур ҳам қилмаслигини эслатиб ўтиш жоиздир. Алкоголь наркотик моддалар гуруҳига киради. Истеъмол қилинган алкоголнинг салкам 90 процента ошқозоннинг шиллиқ пардасига, қолган қисми эса ичакка сўрилади. Олимларнинг кейинги йилларда олиб борган тадқиқотларининг кўрсатишича, алкоголь қонда узоқ туриб қолмайди. Аммо, энг муҳим аъзолар — мия, жигар, юрак, ошқозонда алкоголь бир марта истеъмол қилинганидан кейин ҳам 28 соатдан то 15 кунгача йиғила бориши ва сақланиши мумкин экан. Ичкиликбозликнинг такрорланиши оқибатида бу аъзоларда алкоголь янада узоқроқ муддат сақланиб қолади.

Спиртли ичимликларни муттасил ичишга одатланиб қолган кишида бир қадаҳ вино ёки бир стакан пиво ичиш биланоқ асаб системасининг олий бўлимлари нормал издан чиқади, психологиясида катта ўзгаришлар рўй беради.

Илмий тадқиқотлар спиртли ичимликнинг озгина миқдори ҳам киши қучини қирқиши, у ёки бу ҳаракатларни тез ва аниқ бажаришига монелик қилишини кўрсатмоқда. Натижада бу ҳол меҳнат унумдорлигини 5—15 процент камайтирар экан, якшанба кунлари ичкилик ичишни одат қилиб олганларнинг меҳнат унумдорлиги душанба куни 10-13 процент, катта байрамлардан кейин эса 25—30 процентгача камайиши аниқланган. Олимларимиз ўтказган тажрибада эрталаб юз граммча ароқ ичган киши илгари саккиз соатда қилган ишини аранг 9 соатда бажара олган.

Улуғ рус физиологи И. П. Павловнинг шогирдлари мастликнинг физиологик моҳиятини аниқлаш юзасидан бир неча марта махсус тажриба ўтказганлар. Ана шу тадқиқотларда алкоголь олий асаб фаолиятига қўзғатувчи таъсир кўрсатмаслиги маълум бўлди. Аммо, алкоголь кўзғалиш жараёнидан кўра ҳам тормозланиш жараёнига кўпроқ таъсир кўрсатар экан. Ҳаддан ташқари кўп спиртли ичимлик истеъмол қилганларнинг жанжал чиқариш, уришиш ва ҳоказоларга майл қўйиши боиси ҳам шу бўлса керак.

Алкоголли ичимликларнинг организм учун зарарли таъсири ҳақида кўп гапириш мумкин. Стенокардия билан оғриган, ҳатто юрак хасталигини сезмаган кишиларда инфаркт келтириб чиқариши, юрак фаолиятида маром бузилишига олиб келиши ҳоллари ҳам кўп учрайди.

Замонавий ишлаб чиқариш тобора кенг механизациялашиб ва автоматлашиб бораётир. Бу эса ҳар бир ходимдан ниҳоятда диққат-эътибор билан ишлашни, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишни, ҳаракатларнинг аниқ ва чаққон бўлишини талаб этади. Ичкиликбозликдан кейин эса кишида диққат-эътибор ва ҳаракат суст, қўл баъзан қалтирайдиган бўлиб қолади. Бундай эса бахтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Масалан, автотранспорт ҳалокатидан нобуд бўлган ҳар тўрт пиёданинг бири маст эканлиги ҳам ниҳоятда ташвишлидир.

Бир сўз билан айтганда, ичкиликбозлик халқ хўжалиги учун жуда катта зарар келтирмоқда. Ишлаб чиқаришда маҳсулотларнинг брак бўлиши, қимматбаҳо асбоб-ускуналарнинг бекор туриб қолиш ҳоллари, меҳнат унумдорлигининг пасайиши ва прогуллдан ташқари спиртли ичимликларни сурункали ичиш малаканинг пасайишига ҳам олиб келиши тажрибада аниқланган.

Мамлакатимизда ичкиликбозликка қарши кураш тобора катта аҳамият касб этмоқда. Бу қисқа муддатли кампания эмас, аксинча мунтазам равишда ўтказиладиган тадбирдир. Айниқса, ёшларнинг ичкиликбозлиги олдини олиш юзасидан қатъий чоралар кўрилиши керак.

Ичкиликбозликка қарши курашда жамоатчилик йўли билан таъсир кўрсатиш, маъмурий чоралар кўришдан ташқари спиртли ичимликка ҳали ружу қўймаган бўлсада, унинг кайфига ўргана бошлаганлар ўртасида, айниқса ёшлар ўртасида оммавий ташвиқот ишлари олиб бориш катта роль ўйнайди. Улуғ рус ёзувчиси Л. Н. Толстой киши ичиш имкониятидан маҳрум бўлганда эмас, балки олдида, ёнгинасида вино турганда ҳам ўзида ичмасликка куч топганидагина ичкиликбозликдан халос бўлади, деб ёзган эди. Зеро инсон келгусида фожиага айланиши мумкин бўлган бу зарарли одатга чек қўйиши мумкин ва шундай қилиш шарт. Унга бу борада ёрдам бериш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Ичкиликбозликнинг хатарли оқибатлари жаҳон медиклари томонидан ўтказилган тажрибаларда ҳам рўй-рост аниқланмоқда. Болгар олимлари сурункали алкоголизмга мубтало бўлган 23 нафар ота-онадан саккиз чақалоқ мажруҳ бўлиб, 15 таси эса ўлик туғилганини қайд этдилар. Спиртли ичимликларни кўп истеъмол қиладиган кишиларнинг 95 проценти ошқозон ва ошқозон-ичак касалликларига мубтало. Франция касалхоналаридан бирида 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида асаб касалликларига дучор бўлган болалар текширишдан ўтказилди. 2,5 мингдан ортиқ текширилган боладан 928 нафарининг ота-онаси алкоголли ичимликларга ружу қўйганликлари маълум бўлди.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши маъмурий чоралар билан кураш олиб боришнинг ўзи кифоя эмас. Алкоголизмга қарши кураш руҳида тарбиялаш ва тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш лозим. Шу мақсадда ўрта мактабдаёқ ёшларни ичкиликбозликка қарши нафрат руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият бериш зарур. Бу ишда кенг жамоатчилик билан бирга медицина ходимлари катта роль ўйнашлари керак.

Кашандалик ҳам кўпгина касалликларни келтириб чиқарувчи офат. Тамаки тутунида бир процентгача соф никотин бўлади. Шу боисдан чекувчи киши пага-пага тутун чиқарар экан. Ўзинигина эмас, атрофдагиларни ҳам кимёвий оғу билан заҳарлаётганини билмайди. Текширишларда баъзи болаларнинг пешобида ана шу оғу таркибида учровчи канцероген — рак пайдо қилувчи модда аниқланди. Бу ҳол болалар ҳузурида чекувчи ота-оналарга сабоқ бўлиши керак. Айниқса аёлларнинг ҳомиладорлик даврида чекиши ҳам жуда зарарлидир. Жаҳон медицина тажрибасида тамаки чекиш билан ўпка раки ўртасида бевосита алоқа борлиги исботланган. Ўпка ракига чалинган ҳар юз беморданд саксондан ортиғи ашаддий кашанда эканлиги маълум бўлди.

Чекишга қарши кураш самарадорлигини ошириш учун бизда қатор амалий тадбирлар кўрилди. Идораларо чекишга қарши кураш комиссияси тузилгани, тамаки чекувчиларни даволаш кабинетлари тармоғи кенгайтирилаётгани, чекишдек зарарли одатни ташлашга аҳд қилган кишиларга ёрдам тариқасида методик кўрсатмалар чоп этилаётгани шулар жумласидандир. Бу ишнинг бошланиши, холос. Чекишга қарши кураш катта ва оғир вазифадир. Аҳолининг турли ёш ва социал группаларини эътиборга олган ҳолда чекишга қарши кураш пропагандасини кучайтириш зарур. Зеро чекиш ва ичкиликбозликка қарши курашга социал иллатга қарши курашдек қаралиши керак. Мамлакатимизнинг ҳар бир граждани буни онгли равишда тушуниб олмоғи даркор.

С. ОРИПОВ,
медицина фанлари кандидати, доцент.

ИЛМ-ФАН ОЛАМИДА

ШИФОКОР ҚУЁШ

Концентратор қуёш нурини йиғиб, кучли бир тарамга айлантириб, айланиб турган кесик-кесик диск орқали медицина кабинасининг экранига юборади. Бу кабинада одам турган бўлади. Н. А. Семашко номли Ўзбекистон курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг медиклари меъда касалликларига ва овқат ҳазм қилиш бошқа органларини даволашда ишлата бошлаган импульсли йиғноқ қуёш нури бериш шу тахлитда ўтади.

Медиклар шу шифобахш гелиоустановкани ҳамда қуёш нури билан даволаш методини Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузуридаги С. В. Стародубцев номли физика-техника институтининг олимлари билан ҳамдўстликда ишлаб чиқдилар. Врачнинг кўрсатмасига қараб нурланиш 30 минутгача давом этади. Ўтказилган экспериментал курслар қуёш нури билан даволаш гоятда самарали эканлигини кўрсатди: даволанган ҳамма беморларнинг сиҳат-саломатлиги яхшиланди.

(ЎзТАГ).

ҚУРИЛИШЛАР УЧУН ЦЕМЕНТ

Навоий цемент заводи ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз берди. Улкан корхонанинг «қурилиш уни» деб аталган сифатли цемент ишлаб чиқарадиган иккинчи йириқ айланма печи ҳаракатга кирди. Уша куниёқ меҳнат унумдорлиги икки баравар ошди. Ўтган беш кунда графикдагидан 6 минг тонна кўп цемент ишлаб чиқарилиб, республика зарбдор қурилишларига жўнатилди.

Ҳозир заводда бир йўла иккита печь ҳаракат қилмоқда. Уларнинг ҳар бири йилига 1 миллион 150 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга. Навоий шаҳри маркази билан жўнатилаётган цемент оқими тобора кўпаймоқда.

В. РОМАНЕНКО,
Навоий цемент заводининг смена машинисти, «Совет Ўзбекистони» мухбирлар постининг аъзоси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ

ҚИСҚА МУДДАТЛИ КУРСЛАРГА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларда газламаларни оҳарловчилар ва мерсеризовкачилар, қуритиш барабанларининг машинистлари, бўёвчилар, пардозловчилар, раклистлар тайёрланади.

СТИПЕНДИЯ 100 СУМ.

Курсларга 18 дан 40 ёшгача бўлган 8-10 синф ҳажмида маълумотли кишилар қабул қилинадилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ 3 ОЙДАН 6 ОЙГАЧА.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

КОМБИНАТ ҚОШИДА: нечки енгил саноат политехникуми, ишчи ёшлар мактаби (ўзбек ва рус тилларида), тўқимачилар маданият саройи, спорт базаси, Тошкент денгизи атрофида дам олиш зонаси мавжуд.

Курсларга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: паспорт, меҳнат дафтарчаси, ҳарбий билет.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Иванов кўчаси, 6-уй, кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ҚОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ПРОГРЕССИ ИШЛАРИГА ЁРДАМ БЕРИШ СОВЕТИ, ҚАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ЖАМИЯТИНИНГ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ

18 АВГУСТ СОАТ 11.00 ДА

Тошкент область партия комитетининг қенгашлар залида область ишлаб чиқариш участкалари мастерларининг кенгашини

УТКАЗАДИ

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

САНЪАТ САРОЙИ — Эй, бахтли инсон! (10.30, 13.15, 16, 18.45).

Пятницкий кўчасидаги қоровхона — «ЧАЙКА» (16, 20.00).

Лейтенант Слейднинг хатоси — ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ номли (12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «ЧАЙКА» (11.30, 13, 14.30, 18.00), «МОСКВА» (12, 14, 16, 17.30, 19, 20.00), «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 20, 21.40), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45).

Топталган туйғулар—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда).

Академик Р. Р. Шредер номидаги Ленин орденли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва боғбонлар тайёрлайдиган мактаб коллективлари бирлашма бош директори М. М. Мирзаевга рафиқаси, боғбонлар тайёрлайдиган мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи

Рухия Ғуломовна ҒУЛОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими президиуми академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори М. М. Мирзаевга рафиқаси

Рухия Ғуломовна ҒУЛОМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Концерт. 10.40 Л. Н. Толстой (кўп серияли телевизион спектакль, 1-қисм). 12.00 — «Ёшлар адреслари». 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.45 — «Чарм тўп» клубининг соврини учун. 16.30 — Концерт. 17.00 — «Қизча отасини излайди» (бадиий фильм). 18.30 — Янгиликлар. 18.40 — Мультфильмлар. 19.00 —«Халқ чолғу асбоблари оҳанглари». 19.45 — Фан оламида. 20.15— Концерт. 20.30 — «Ёшлик» (кўп серияли телевизион спектакль, 2-қисм). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Ҳужжатли фильмлар. 22.40 — И. Архипова концерти. 5-кўрсатув. 23.25 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — Болалар учун телефильм. 18.15 — Партия планлари—халқ планлари. 18.45 — «Ёшлик». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — ВЛКСМ 60 йиллигига. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Клара Жалилова концерти. 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорлари — ҳаётга! 22.15 — «Уруш ва тинчлик» (бадиий фильм, 4-серия).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Телевизион спектакль, 1-қисм. 20.10 — Янгиликлар. 20.30 —Реклама. 20.45 — Телепрограмма. 20.15 — Бадиий ўқиш.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — «Олтин водий» қўшиқлари. 9.30 — Концерт. 10.30 — «Сахий ер». 11.15 — «Халқ новаторларини Сирдарё пахта далаларида». 12.00 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — «Ем-хашак жамғариш давом этмоқда». 13.30 — Кинофильмлардан куйлар. 14.00 — «Пахта йиғим-теримига тайёргарликни текширамиз». 16.10 — Қардош республикалар музика маданияти. 18.30 — «Саломатлик — туман бойлик». 18.40 — «Ёшлик» 19.40 — Социализм мамлакатларида. 19.50 — М. Тошматов куйлайди. 20.25 — Татар куйлари. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 21.30 — «Ёшлик баёзи». 22.23 — «Қўшиқ билан учрашув» 23.20 — «Мақом кечаси».

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000 ГСП. Тошкент, Ленин проспекти 41.

ТЕЛЕФОНЛАР. редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-79-14, 32-53-05, 33-06-83, 32-55-04, масъул секретарь — 33-44-55, 32-55-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06. БЎЛИМЛАР партия гурмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси— 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-56, 32-54-35, 32-55-16, совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-26, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, ҳатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ — ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-09-70; Сурхондарё — 55-35; Хоразм — 51-24; Бухоро — 3-31-42. Қашқадарё — 38-42; Фарғона — 4-20-84, Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85, Жиззах — 31-66; Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси — 33-90-50.

Р. — 02616. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 188.